

R 455

# САОДАТ


7  
2018



Экз  
№

# 100

1918 Туроб Тўла 2018



Мардлик билан ўлсам,  
унутма,  
Фигон этиб тўкма  
қонли ёш,  
Эккан гулларимни  
қуритма,  
Кўй, уларни  
асрасин қуёш!  
Мендан қолсин  
жонли хотирот,  
Гулларимни  
қилгил парвариш.  
Мендан қолсин  
элга яхши от,  
Вафодорлик ва  
мардона иш.  
Туроб Тўла



Туроб Тўла умр йўлдоши,  
шифокор Тамарахоним билан

# Муаззам Шарқ намоёнди сенинг покиза ҳолида

## **САОДАТ**

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизларининг ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий, безакли журнали

1925 йилдан чиқа бошлаган

7-сон (891) 2018 йил

Муассис:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси.

“Саодат” кенгаши:

Танзила НАРБАЕВА  
Дилбар НАЖМИДДИНОВА  
Муҳаббат ШАРОПОВА  
Ойдин ҲОЖИЕВА  
Энахон СИДДИҚОВА  
Малика ҚОДИРҲОНОВА  
Гулистон МАТЁҚУБОВА  
Мунира ҚОРИЕВА

Бош муҳаррир

Мунаввара УСМОНОВА

Бош муҳаррир ўринбосари

Маҳмуда САЪДУЛЛАЕВА

Ижтимоий-сиёсий бўлим мудир

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

Мусахҳих:

Махсума ЭРГАШЕВА

Саҳифаловчи:

Шерзод АБДУРАҲМОНОВ

Таҳририят манзили:

Тошкент шаҳри,  
Навоий кўчаси 30-уй.

E-mail: [info@saodat-gul.uz](mailto:info@saodat-gul.uz)

Веб сайт: [www.saodat-gul.uz](http://www.saodat-gul.uz)

Тел.: (0371) 244-89-02, 239-88-02

Босмаҳонага 24.10.2018 йил  
топширилди.

Қоғоз бичими 60x84 1/8.

Ботиқ босма.

Нашр ҳисоб тобоғи 5,75.

Индекс – 867

ISSN 2010-541X. Журнал 2006 йил  
22 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигида 0061-рақам  
билан рўйхатга олинган.

“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмаҳонасида чоп этилди.  
Буюртма №288. Адади 2461.  
Баҳоси келишилган нархда

## Ушбу сонда:

Мухтабар ҲУСАНОВА:  
**Оила – қонунларимиз  
марказида**

Эркин МАЛИК:  
**Дарс**

Тўлан НИЗОМ:  
**Сенсан мададкорим,  
сен – кучим**

Наргиза АСАДОВА:  
**Чинакам  
комила эдилар**

Рисолат ҲАЙДАРОВА:  
**Тўйдан кейин**

Зухра МЕЛИБОЕВА:  
**Бешигимдан  
бошланган йўлак**

Ясунари КАВАБАТА, Япония:  
**Қизил олхўри**



Бир йилда журналнинг 8 та сони чоп этилади.  
Муаллифлар ва таҳририят фикрлари фарқли  
бўлиши мумкин.

“Саодат” журналидан олинган материалларда  
манба кўрсатилиши шарт.

Таҳририят барча ижодий ишларни таҳрир этишга  
ҳақли.

**Биринчи муқовада:**

Подполковник Маҳфуза Холиқова. У ҳақидаги  
мақолани журналнинг 8-9-бетларида ўқинг.

# Оила – қонуларимиз марказида

*Мен ҳамиша шарқ аёлларига муносабатдаги ўзига хосликка чуқур ҳурмат билан қарайман. Улар энг аввало, она, авлодлар ва қадриятлар давомийлигини таъминловчи азиз зот, оилада тотувлик, иноқлик, осоишталик муҳитини яратувчи шахс сифатида улугланган.*

*Тарихимиздаги Бибихоним, Нодирабегим, Қурбонжон додхоҳ каби аёлларимизнинг оиласига, Ватанига садоқати, донолиги ва зукколиги ўша даврнинг ўздаёқ эътироф этилган, бугун ҳам барчамизга кўп жиҳатдан ўрнакдир.*

Шиддат билан ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ўзгаришлар хотин-қизларнинг нафақат оилада, балки жамият ва давлат ишларида, иқтисодиётда ҳам фаол бўлишларини тақозо қилади. Дунёга машҳур сиёсатчи аёлларнинг аксари томонидан илгари сурилган масалалар бир-бирига жуда яқин. Булар ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувлик, маърифий, иқтисодий равақ, оналар ва болаларни ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардир. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жамиятда етакчи аёллар томонидан илгари сурилган ғоя ва тақлифларнинг аксарияти оилага йўналтирилганлиги билан ўзига хосдир. Индира Ганди, Беназир Бхутто, Маргарет Тэтчер, Ангела Меркель каби ўнлаб лидер аёллар томонидан ижтимоий ҳаёт майдонига ташланган асосий ғоялар бунга ёрқин мисол бўла олади. Улар ўз даврларида юртларининг сиёсий қудратини ошириш, иқтисодий фаровонлигини, маърифатини юксалтириш учун жон-танлари билан курашганликлари эътирофга моликдир. Ҳар бирларининг ҳаёт йўлларини кузатиш ва таҳлил этиш орқали таъкидлаш жоизки, улар бу мақомга қатъий тарбия, темир интизом, билим ва меҳнатсеварлик билан эришганликлари аён бўлади. Демокриманки, Шарқу Фарбада фаолият олиб борган сиёсатчи ва сиёсатга даҳдор аёллар тажрибаларини ўрганиш биз – XXI аср сиёсат майдонидаги хотин-қизларга ҳам маълум маънода ўзига хос фикрлаш учун йўл очади. Инсон омили, кадрлар салоҳиятига талаб юксалиб бораётган бугунги кунда ҳар бир оилада вояга етаётган фарзанд эртанги кун етакчилари эканини ҳамиша ёдда тутмоғимиз ва улар тарбиясига, айниқ-



са, фарзандлар камолида ота тарбиясидек бебаҳо илмга алоҳида эътибор қаратиш жоизки, бу болалар камолотининг асосий пиллапояларидан бири ҳисобланади. Энди бевосита ўз фаолиятимизга келадиган бўлсак, сўнгги икки йилда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар суръати ошиб бораётган бир пайтда парламент аъзоларидан ҳам катта масъулият талаб қилинмоқда. Қабул қилинаётган қонунларнинг аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишидаги таъсирини таҳлил этиш орқали қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш вазифаси давлатимиз раҳбари томонидан бизга юклатилган эди. Ушбу вазифани самарали амалга ошириш мақсадида ҳар ойда 10-12 кун тегишли ҳудуддан сайланган депутатлар ва Сенат аъзолари жойлардаги ишларнинг ҳолатини ўрганиш бўйича аҳоли билан учрашиб, масъул идоралар фаолиятини таҳлил этиб қонунчиликни такомиллаштиришга эришиб келмоқдалар. Мазкур ўрганишлар жараёнида ҳонадонларга ташриф буюрилиб, дарду ташвиши, қизиқишларию интилишлари билан танишиб, улар томонидан кўтарилган масалаларни имкон қадар жойида ҳал этишга кўмаклашиб келинмоқда. Авваллари депутатларнинг учрашувлари, асосан янги қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти билан фуқароларимизни таништиришга қаратилган бўлса, энди уларнинг фикрларини ўрганиш, имкониятлари ва салоҳиятларини рўёбга чиқаришга кўпроқ эътибор берилмоқда. Айниқса, ҳаёт ташвишларига дуч келиб, тушқунлик кайфиятига тушиб қолган оилаларга кириб бориб, уларнинг дардига шерик бўлганимизда, юртдошларимизнинг кўзларидаги қувончи киши дилини яйратиб юборади. Уй ҳужжатларини расмийлаш-

тириш, бандликни таъминлаш, фарзандларини боғчага, мактабга жойлаштириш, ногиронликни белгилаш, ногиронлик аравачалари олишга кўмаклашиш, даволаниш учун йўлланма олишларига ёрдам бериш каби масалаларнинг ҳал этилиши инсон қаддини кўтаргандек бўлади. Бир қарашда бу амалий ишлар бир мартада ижро этилади-ю, шу билан тугайдигандек кўриниши мумкин. Лекин ижтимоий ҳаётдаги масалаларни ҳал этишнинг тизимини яратишда депутатлар томонидан қонунчиликка оид таклифлар ишлаб чиқиши ислохотларнинг амалийлигини оширади. Иккинчи жиҳатдан, хонадонда яшовчиларнинг жамият ва давлат учун қанчалик аҳамиятли эканликларини кўрсатади. Бу билан том маънода давлатнинг халқ хизматини бажаришининг самарали механизми яратилишига йўл очилади.

Мен фаолият олиб бораётган Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш бўйича ишлаб чиқилган Давлат дастурида кўрсатилган вазифаларнинг ижросида ўзига хос ўрин тутади. Айниқса, парламентнинг ролини ошириш, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этиб, эркин фикр билдира олиш имкониятларининг қонунийлаштирилиши, яъни фуқаролар ташаббуси билан киритилган масалаларнинг тегишли давлат вакиллик органлари томонидан, албатта, кўриб чиқиши мажбурийлигини белгиловчи нормаларнинг акс эттирилгани, шунингдек, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, суд процессига ахборот коммуникацион технологияларини жорий этишни қонунчиликка синдириш орқали томонларнинг вақти ва харажатларининг тежалишига эришилаётгани каби бир қанча қулайликлар инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг амалий ифодаларидандир.

Умуман олганда, Юртбошимизнинг ҳам, халқимизнинг ҳам талаби яратилаётган қонуналар

нинг халқчиллигини таъминлаш, уларнинг давлат органлари томонидан ҳам, фуқароларимиз томонидан ҳам бир хил тушунилиб, бир хил ижро этилишига эришишдан иборат. Ана шундагина қонун устувор бўлиб, фуқароларнинг давлатга нисбатан ишончи янада мустаҳкамланади.

Фаолиятим давомида Германия ва АҚШ каби давлатларга парламент делегацияси таркибида ташриф буюриб, уларнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати, сайловчилар билан ишлаш фаолиятлари билан яқиндан танишиб, чуқур ўрганишга муваффақ бўлдим. Бу жараёнда шунга амин бўлдимки, миллий парламентимизнинг ўзига хос эътирофга молик ютуқлари мавжуд экан. Шу билан бирга эътибор қаратишимиз лозим бўлган ушбу давлатларнинг сайловчилар билан ишлаш масаласидаги тажрибасини миллий хусусиятларимиздан келиб чиққан ҳолда парламент амалиётига киритишимиз зарурияти борлигини англадим.

Оила, аёллар, болалар масалалари давлатчилик тажрибамизда энг эътиборли масалалардан ҳисобланади. Ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилиб айтиш мумкинки, халқаро стандарт ва талабларга мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базасига эгамиз. Лекин шу билан бирга таъкидлаш жоизки, глобализация, шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар миллий кадриятларнинг бироз кучсизланишига таъсир кўрсатмай қолмаяпти. Гоҳида иқтисодий танқислик сабаб, гоҳида маънавий-руҳий бўшлиқ сабаб баъзи хонадонларда носоғлом муҳит юзага келмоқда. Келин-куёвнинг оилага масъулиятсизларча ёндашиши ёки улар тақдири қайнона(қайнота)лар томонидан ҳал этилиши, шу боис оилаларнинг дарз кетаётгани, вояга етмаган фарзандларнинг ота ёки она меҳридан айри ҳолда ўсиб, ҳеч қайси тураржойга рўйхатга олинмай танг ҳолда қолаётгани она, ҳуқуқшунос, депутат сифатида мени жуда кўп ташвишга солади. Фикримча, бу соҳадаги муаммоларни қонунларни такомиллаштириш билангина ечиб бўлмайди, барча ижтимоий институтларнинг фаол иштирокини таъминлаш орқали топилган ечим самаралироқ бўлади, деб ҳисоблайман. Хусусан, ёшларни уй муҳитидан бошлаб, таълимнинг барча босқичларида оиланинг муқаддаслиги, ота-она ва фарзандлар олдига катта жавобгарлик мавжудлиги, турмуш қураётган шахсларнинг боқимандалик кайфиятидан халос бўлиб, ўзи, оиласи келажаги ва тақдири учун масъулиятни зиммасига оладиган даражада камол топтириш тизими яратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**Мухтабар ҲУСАНОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати, юридик фанлар номзоди.



# Дарс



“Саодат”нинг ҳар бир сони муқовасида чиройли бир аёлнинг сурати берилиб, ички саҳифаларда у ҳақда очерк эълон қилинади. Қаҳрамонимиз ўқитувчи ёки сут соғувчиси, оддий ишчиси олдиндан танланарди. Таҳририят раҳбарлари бир қарорга келгач, камина телефон олдига ўтириб, вилоятларга кўнгиروق қилар, муносиб номзод излардим.

Бир сафар муқовада боғча мудирасининг суратини берадиган бўлдик. Албатта, қаҳрамонимиз суратбоп бўлишидан ташқари ишлари ҳам бутун республикага намуна қилса арзийдиган зўр бўлиши керак эди. Шундай қаҳрамонни Самарқанд шаҳридан топдим. Суратчимиз Борис Мизрохин билан йўлга чиқиб, уч кунда сурат ва маълумотларни олиб қайтдик. Одатда, сурат бир неча кўринишда олинар, уни таҳририят ходимлари билан кўздан кечириб, танлаб, кейин Зулфия опага кўрсатар эдик. У пайтларда босмахона шароитлари ҳозиргидек тезкор эмас, рангли суратларга ишлов бериш жуда мураккаб бўлгани учун журнал чоп этиш муддатидан уч ой олдин топшириларди. Самарқанддан олиб келинган суратнинг топшириш муддати келиб қолган эди. Аксига олиб, бош муҳарриримиз шамоллаб, ишга чиқмаётган эдилар. Суратни раҳбаримизнинг назаридан ўтказиб олмай, ишлаб чиқаришга тушира олмасдик. Суратнинг бир чеккасида у кишининг тасдиқловчи имзоси бўлиши керак эди. Опа: “Суратларни уйга обкелақолинлар”, деб қолдилар. Уйлари ишхонага яқин, шундоққина марказий универмагнинг орқасида эди. Мен ичимда: “Ишқилиб, сурат опага маъқул бўлсин-да”, деб боряпман. Суратнинг сифатидан Мизрохиннинг кўнгли тўк, чунки техник томонларини ишлаб чиқариш бўлимига олдиндан кўрсатиб, тасдиқлатиб олган эди. Менинг ҳадигим қаҳрамонимизнинг устидаги либосию суратдан қай ҳолатда қараб тургани билан боғлиқ эди. Зулфия опанинг назарида ҳамма нарса содда ва оддий, аини пайтда ишонарли бўлиши, сурат ўз эгасининг кимлигини айтиб туриши керак эди.

Буни Мизрохин яхши тушунар, баъзан битта сурат учун кунлаб овора бўларди.

Ниҳоят, сурат вариантларини раҳбаримизнинг олдига қўйдик, биз кўпчилик бўлиб қайси бирини танлаганимизни ҳам кўрсатдик. Бориснинг қўлида суратни катталаштириб кўрсатадиган ойна ҳам бор эди. Суратни кўриб, Зулфия опанинг чиройи очилди, маъқул, дегандек бош қимирлатдилар. Мизрохин икковимиз бир-биримизга мамнун қараб қўйдик. Мендаги ҳадик ўрнини энди ёзиш ташвиши эгаллади. Қаҳрамонимиз ҳақида баъзи маълумотларни бирма-бир айта бошладим.

– Тўхтанг, гапириб берсангиз мақоланинг оҳори тўкилади, бор гапни, ҳис-ҳаяжонингизни қоғозга туширинг, ўзим ўқиб оламан, – дедиларда, суратни қайта кузатишда давом этдилар. Мен шоиранинг “мақоланинг оҳори тўкилади”, деган сўзларининг моҳиятини кейинчалик ижодимда кўп синадим. Чиндан ҳам шундай бўлар экан. Ёзмоқчи бўлган нарсангизнинг гапирганингизда ҳали қоғозга тушмаёк, жозибаси йўқолар экан. Суратни қайта кўздан кечириётган шоира бирдан:

– Ҳа, йўк, бўмайди, ҳечам бўмайди, – деб ҳозиргина ўзлари мақтаб турган суратни нари суриб, чимирдилар.

Ҳайрон бўлиб қолдик. Бориснинг шундоқ ҳам катта-катта кўзлари янаям каттайиб кетди. Тарвумизимиз қўлатғимиздан тушган, икковимиз ҳам ғалати аҳволда қолган эдик.

– Бўлмаслигида сизларнинг мутлақо айбингиз йўк, – деди опа биз тараф бўлиб, – сизлар эркак кишисизлар, бу бир тасодиф, ҳа, тасодифдан бошқа нарса эмас. Қаҳрамонингизнинг қулоғидаги зирагига бир қаранглар, – деб эътиборимизни қайта суратга қаратдилар. Воҳ... Аёлнинг қулоғида бўлбулунинг кўзидек зиракча борми-йўқдек бўлиб турарди. – Бу ёшдаги аёллар бунақа зирак тақмайдилар, ёш қизалоқнинг зираги-ку, бу.

Борис:

– Ўзи шуни хоҳласа керак-да, – деб дарров ўзини оқламоқчи бўлди.

– Йўк, сизлар билмайсизлар, одатда, қизалоқларнинг қулоғини тешганда, унга аталган зиракни катталар уч-тўрт кун тақиб берадилар, шунда зирак ишланиб, боланинг қулоғини яра қилмайди. Ҳойнаҳой, сизлар шу пайтга тўғри келиб қолгансизлар, аёл ҳам бунга мутлақо эътибор қилмаган.

Қойил, бу сурат у кишининг қўлига келгунча нечта аёлнинг кўзидан ўтди-ю. Ҳатто энг синчков Холида опа ҳам пайқамабдилар.

Борис йўғламоқдан бери бўлиб, шу заҳоти Самарқандга жўнаб кетди, қаҳрамонимизнинг ўз зирагини тақтириб, суратга олиб қайтди. Боғча мудираси Зулфия опа айтган тахминни тасдиқлаб, суратчини овора қилгани учун узр сўраб, бош муҳарриримизга икки энлик хат ҳам ёзиб юборибди. Бу воқеа биз учун навбатдаги бир дарс бўлди.

**Эркин МАЛИК,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

# Эртамиз бугундан яхши бўлади

*Ҳамма одам бир одам, деймиз-у, лекин ҳаммада ҳам атрофидагиларни ўзига ишонтириш, изидан кўпчиликни эргаштириш қобилияти бўлавермайди. Бундай фазилатга эга инсонлар болаликдан бошқалардан ажралиб туради. Ўғил бола бўлса, жўрабоши, қиз бола бўлса онабошига айланади. Ҳеч ким уни бошлиқ қилиб сайламайди. Ҳаммаси ўз-ўзидан, табиий равишда рўй беради.*

*“Фаргона шаҳар тадбиркорликка кўмаклашиш маркази” директори Инобатхон МАМАТХОНОВАнинг таржимаи ҳоли билан танишган одам дарров шу хулосага келади.*

У Марғилон шаҳридаги 4-мактабда аъло баҳоларга ўқиётганда ҳам, тиббиёт билим юрти ўқувчиси бўлганида ҳам синфдош қизларни ўз йўригига юргизиб, ўқитувчиларининг меҳнатини энгилаштирарди. Синфдами, аудиториядами бирор тадбир ўтказиладиган бўлса, устозлари, кўпинча, топшириқни юз-кўзлари билан “Доим тайёр” ҳолатида турган Инобатга тайинлаб кўя қолишарди, чунки унга айтилган топшириқ зиёди билан бажарилишига ишонар эдилар.

Инобатхон Ганиевна 1978 йилдан 2002 йилгача ўқиб, эгаллаган касби бўйича фаолият олиб борди. Асримиз бошларига келиб у каби серғайрат аёллар битта касб доирасидаги торгина сўқмоқларга сиғмай қолишди. Жамиятда ишбилармонлик муҳитининг яратилганлиги Инобатхон Маматхонованинг ҳам ўзанидан тошаётган сувдек ҳаракатга кела бошлаган қалбига куч берди.

Ўз имкониятлари, билим ва иқтидорини чама-лаб, билиб турса-да, барибир:

– Ўқиб, ўрганган яхши, – деб ўйлади ва Қува-сой шаҳридаги тадбиркорлик ўқув ишлаб чиқариш марказида ўқиб, замонга ҳамнафас назарий билимларини мустаҳкамлади.

Тадбиркорликка кўмаклашиш марказига директорлик тадбиркорнинг ҳаёт йўлларидаги янги бир бекати бўлди. Водий азалдан дўшпидўзлар, каштачилар, кулоллар, заргару тўндўзлар юрти. Бу ҳудуддаги ҳар бир гўдакнинг танглайи ҳунар билан кўтарилади. Шундай бўлса-да, Инобатхон Маматхоновага 110 та йўналишдаги тадбиркорликни бир нуқтага бирлаштириб раҳбарлик қилиш энгил кечмаяпти.



– Ҳар бири ўз ишини яхши билади. Алдам-қалдам игна уриб, омонат асбоб ясамайди. Лекин маҳсулотларга бозор топиш, ҳужжат юритиш, ҳисоб-китоб ишлари осон эмас. Шу қадар кўп йўналишли фаолият ташқаридан қараганда ёйилган, уч-қири йўқ ҳаракатдек кўринса-да, унда қатъий тартиб, интизом бўлиши шарт. Бўлмаса тадбиркорлик даромад, обрў эмас, кулгига қолдириши ҳам мумкин, – дейди марказ директори.

У ўз сўзига қатъий амал қилади. Ҳалол даромаддан байраму ҳайитларда элга дастурхон ёзиб, кўнгли камларни йўқлаб дуолар олади.

Оиласи тинчнинг – эли тинч, деган нақл бор. Инобат Маматхонова турмуш ўртоғи Раҳматжон ака билан беш фарзандни тарбиялашди. Бугун уларнинг катталари касб-корли, уй-ўтовли, кичиклари ўқувчи, илм йўлида.

– Даромадга қараб буромад-да, ўргилай, – дейди Инобат опа Марғилон аёлларига хос назокат билан, – эртамиз бугунимиздан яхшироқ бўлиши учун ҳаракатдаимиз. Бугун кўпроқ моддий бойлик тўпласак, эртага тўплаганларимизни маънавият учун сарфлаймиз. Тадбиркорлик музейи қилсам, гимнастика, рақс ўргатувчи йўналишларда ҳам ишласам, айниқса, аёллар учун “Китобхонлик бурчаги” ташкил қилишни орзулайман...

Тадбиркорнинг орзулари ҳаёт уфқимизда кўринаётган маънавий парвозларимизга ҳамоҳанглиги билан қалбга яқин. Моддийдан маънавиятга тараф қадамлаб, юзлаб юртдошларимизни орқасидан эргаштираётган бундай ишбилармонларга “Балли, ҳорманг!” дейишдан ўзга сўз йўқ!

**Санобархон ДЎСТМАТОВА**

# Сабримга суяниб яшайман



*Маҳфуза опани анчадан бери танийман. Ўзини шодмон кўрсатиб жилмайиб тургани билан кўзларидаги мунг юрагидаги алақандай дардни ошкор қилиб тургандек... Кунларнинг бирида она билан тўкилиб суҳбатлашдик.*

*– Болалигим етим-есирликда, заҳматда кечди. Онамнинг қорнида пайтимдаёқ отам бизни ташлаб кетган экан. Акам, опам анча оқ-қорани таниб улгургани учун тош тишлаган бўлса керак, менинг ўкинчим кўзларимдан ёш бўлиб оқарди. Отаси қўлидан тутиб етаклашиб юрган тенгдошларимни кўрсам ёки отаси ишдан қайтган пайт югуриб унинг бағрига ошиқишса мен уйга қараб чопардим. Онам шўрликни нешидан тутиб: “Юринг, отамни топиб келамиз”, деб хархаша қилардим. Тушимда ҳам, ўнгимда ҳам бир тилагим бор эди, отамни кўриш, у билан дийдорлашиш...*

Уч фарзандни ўқитиб қаторга қўшиш онамга қийин бўлганини ҳис этган маҳалим меҳнатга бўйин эгдим. Булоқбоши туманида тоғ этагида жойлашган сўлим Ширмонбулоқ қишлоғида туғилганим бахтим экан. Тоғу қир кезиб улғайдим. Қаерда сигир-бузоқ боқиб, қайси қирдан ўт-хашак йиғишни билганим учун кун бўйи бир қўлимда китоб, бирида ўроқ билан тер тўкардим. Бувим раҳматли: “Қизим, тоққа ёлғиз борма, эркакларнинг юраги бетламайдиган овлоқ жойларда бўрига ем бўлишингдан қўрқаман”, деб ёлворса “Ўзим бўри қизману”, деб жавоб берган эканман.

6-синфда ўқиётган пайтимда онам бетоб бўлиб қолди. Тошкентда ўқийдиган акам ва опам ўқишни ташлаб келиб онамга қарашмоқчи бўлганларини эшитиб: “Мен ўқимадим, сизлар ўқиб яхши одам бўлишингиз керак”, деб кўнмади. Кундан-кун онамнинг ахволи оғирлашиб борар, ҳолдан тойганини кўриб нима қилишни билмасдим. Онам касалхонага тушиб қолгач, қўшимиз Зумрад хола билан яшай бошладим.

Отамдан келган қирқ сўм алимент пулини олиб, акам ва онамга юборган куним янги кўйлак кийган одамдек суюнардим. Бу орада онам анча яхши бўлиб уйга қайтди. Бир куни тоққа чиқиб ўт териб келаётсам, маҳалламизда катта ёнгин бўлаётганини кўрдим. Жонимни ҳовучлаб югурдим. Не кўз билан кўрайки, ўша ёнаётган бизнинг уйимиз экан. Уйимиз култепага айланди. Онамнинг дарди аримагани боис, ўша куни ҳушсиз йиқиди. Биринчи йили омадим чопмади, ўқишга киролмадим. Меҳнат қилиб онамга, оилага қараша бошладим. Акам олис вилоятга ишга қўйилган, опам турмушга узатилган, онам иккимиз ёлғиз эдик. Кейинги йили Тошкентга САМПИга ҳужжат топшириб ўқишга кирдим. Онам бетоб, дори-дармонга қийналмасин, деб кундузи ўқиб, кечаси ишладим. Тақдир

экан, онамдан ажралиб қолдик. Ҳаёт эса ўз йўлида давом этаркан. Кўнгил қўйган йигитга турмушга чиқдим. Болалигим хор-зорликда ўтган эди, энди бахт нима эканлигини ҳис этиб яшай бошладим...

Ҳа, чиндан ҳам Маҳфуза Холиқова бахтли аёл эди. Тақдир бойлагани Ўктамжон Раҳматов Бухоронинг Гиждувон туманида зиёли оилада дунёга келган. Отаси Исмат ака қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар фаолият олиб борган. Онаси Мукаррам ая математика фани ўқитувчиси эди. Оилада етти фарзанднинг тўнғичи бўлган Ўктамжон кичик кўнгил, меҳрибон инсон эди.

Уларнинг дунёқарашини, юрагидаги покиза ҳис-туйғуларини, меҳнатдан қочмай энг шимариб тер тўкишга тайёр туришини, китоб ва табиатга қизиқишини – ҳаммаси бир-бирига ўхшаб кетарди.

Тўйдан кейин бир-икки қатор сеп-сидирғаси билан институт ётоқхонасига келиб яшай бошлаган пайтлари улардан бахтли одам йўқ эди. Маҳфуза ўқишни давом эттирди. Ўктамжон ҳам ишлар, ҳам спорт машғулотлари, мусобақалари билан тиним билмасди.

Тўнғич фарзандлари дунёга келганда уларнинг бахтига кўп дўстлари ҳавас қилди. Қизалоққа Мафтуна деб исм беришди. Муҳаббатнинг меваси ширин эди. Тошкент вилояти ички ишлар тизимига ишга таклиф этишганда ўйлашиб ўтирмай рози бўлди. Ватанпарварлик туйғуси юрагида жўш урган ҳар бир инсон учун эл-юртига хизмат қилиш имкони берилса, албатта, ана шундек серғайрат, шижоатли бўлиши таъин. Ўктамжон ҳам шу йўлни танлади. Тез фурсатда ўз ўрнини топди. Ички ишлар жанговар ҳаракатидаги отряд взвод командири вазифасида хизмат қилиш давомида ҳамкасблари, сафдошлари орасида обрў-этибор топди, уйлик бўлишди.



**Ўқтамжон Раҳматов**

... Мафтунадан кейин дунёга келган қизалоқ Муштарий энди тўрт ойлик эди. Ўша куни укаси Рустамжоннинг тўйида, дўсту ёрлари куршовида ўйнаб-кулиб ўтирган Ўқтамжонни ишга чақириб қолишди. Ота-онаси тўй тарқгани йўқ, чарчагансан бирор баҳона қилиб қўяқол болам, дейишди. Маҳфуза: “Дадаси, яқинда иш пайтида оёгингиз зарб еганини раҳбарларингизнинг ҳаммаси

билади, даволаниб ётибман, десангиз бўлмайdimи? Ахир, оқсоқланиб қийналиб юрибсиз. Олис йўлдан етиб бориш ҳам мушкул, ярим тунда нима қиласиз?” деб уни кўндирмоқчи бўлди. Йўлга чиққан Ўқтамжон: “Сизларни ташлаб кетгим келмапти, аммо бурч ҳамма туйғудан устун, эр кишига ишониб юклатилган вазифа ҳар ишдан баланд. Худога омонатсизлар”, деб хайрлашиб йўлга чиқди. Тошкентга етиб келгач, топшириқ билан тезкор гуруҳга бош бўлиб йўлга отланади. Оғир жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ва кўпдан бери қидирувда бўлган жиноятчининг изига тушди. 1998 йил 26 сентябрь куни чошгоҳ пайти иш жиддий тус олди. Жонини гаровга қўйиб кўксини қалқон қилиб бораётган Ўқтамжон ёв йўлини тўсмоқчи бўлди. Милиция ходимларига қарата ўқ узиб, қочиб кетиш илинжида ҳаракат қилаётган жиноятчи билан юзма-юз бўлиш учун олд қаторга ўтди. Қўлга олиш пайтида уларга қарата отилган ўқ унинг бошига тегди. Дўстларининг айтишича, жароҳатидан қон отилиб турган паллада ҳам ўз бурчини бажарган.

29 сентябрь куни у оламдан кўз юмди. Унинг кўнглида қандай гаплари бор эди? Қимтиланган лаблари нималар димоққа шайланганди?.. Унинг ниятлари бир дунё, орзулари осмонча эди. У қизларининг форма кийиб, ички ишлар тизимида ишлашнинг хоҳларди. У ҳовли-жой қилиб катта боғ яратмоқчи эди. Келгусида ота-онасини ёнига чорлаб, умрининг охиригача уларга меҳр кўрсатиб, фарзандлик фарзини адо этмоқчи эди. “Ҳеч ким жуфти ҳалолини менчалик севмас керак, бахтимизга кўз тегмасин”, деб ёрининг юрагига меҳр оловини ёққанида навқирон пайтида тупроққа қўшилиб кетишини ўйлаганмиди?!

У ватанпарвар эди. Ватан тинчлиги йўлида жонини фидо қилди. У чин дўст эди. Сафдошлари, дўстлари панасига ўтиб жон сақлашни ўзига ор деб билди. У меҳрибон ўғил эди. Тўй билан андармон бўлиб турган ота-онасига сўнги видосини айтолмади. Мафтуна оғ-

зини тўлдириб “дада”, дерди. Дада, деса севиниб кўксидан юраги тошиб кетарди. Аммо Муштарий “дада” деёлмади. Дадасининг овозини эшитмади. Сувратини кўргани билан сийратини англолмади. У севикли ёр эди. 28 ёшида бева бўлиб қолган аёлининг тушларида яшайди энди. Юрагини ҳеч кимга бермайди. Яхши-ёмон кунларида унга ғойибдан мадад бўлади. Маҳфуза умр йўлдоши ишини давом эттиришга аҳд қилган куни унинг тушига кириб сочларини силади. Қип-қизил атиргул, ифори таралиб турган райҳон тутиб унга оқ йўл тилади.

1999 йили 9 май куни эл-юрти тинчи йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган Ўқтам Раҳматовнинг хизматлари ҳукуратимиз томонидан муносиб баҳоланди. У “Жасорат” медали билан тақдирланди.

Умр оқар дарё дейдилар. Мафтуна Ички ишлар академиясини тамомлаб Олмазор тумани ички ишлар бошқармасида хизмат қиляпти. Турмуш курди. Умр йўлдоши ҳам ички ишлар тизимида фаолият юритади.

Муштарий Олий божхона институти талабаси. У отаси оламдан ўтган пайтда чақалоқ эди. Аммо жиламайиб турган сувратга қараб: “Мен дадамга жуда ўхшайман, ойи. Мен ҳам ота қизи бўламан. Спортда, жамоат ишларида, дўстларим орасида дадам каби обрў топишни истаيمان”, деб ният қилади.

Милиция подполковниги Маҳфуза Холиқова ҳозирда Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ички ишлар бошқармасида фаолиятини давом эттирмоқда. Сухбат пайти кўнгли ярасини тирнаб қўйганимдан минг андиша билан ўтирганимни кўриб менга қараб жиламайиб қўйди.

– Менинг бахту баҳорим гуллаган пайти кутилмаганда хазонга айланди. Вафо ва садоқат тимсоли Зулфияхонимнинг ҳаёт йўллари кўпчиликка ибрат бўлгани каби, мендан кейинги авлодларим олдида масъулиятим бор. Умр йўлдошим орзу қилганидай фарзандларимни улғайтирдим. Улар камлик кўрмай ўсиши, ўқиши учун мен заҳмат чекдим. Минг шукур. Кимдир гиёҳвандлик балоси билан, кимдир ўз жонига қасд қилиб оламни тарк

этса, қайбир ота тирик туриб оиласидан воз кечиб, фарзандларининг ҳолидан хабар ҳам олмайди. Ўқтам акамнинг қаҳрамонлиги кўпчиликка сабоқ бўлгудек кечинма. Ибрат, намуна бўлишга арзирлик тақдир. Шундай деб, асл инсоннинг фарзанди бўлиб улғайган қизларимнинг кўнглидаги кемтиклигини тўлдиргим келади. Умримнинг йўлдоши ҳамиша ёнимда, ҳамиша ёдимда...

Бугуним ҳам, эртан ҳам, охири ҳам шундай бўлади... Ҳаётнинг берганига минг шукур. Ўқидим, изландим, йиғладим, юпандим. Сабримга суяниб, ҳаёт машаққатларини енгиб, кунларимдан файз, кувонч топаялман. Эртанги кун умиди билан яшашлик бахти ҳеч бир инсонни тарк этмасин!

**Дилсора УСМОНОВА,**  
ЎЗМУ журналистика факультети талабаси.



УШБУ МАҚОЛА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА  
ИНСТИТУТЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида тайёрланди.  
ЛОЙИХА НОМИ: “МАЪНАВИЯТ ОйИЛАДАН БОШЛАНАДИ”.

# Попнинг попук қизлари...

Мен ўз даврининг довруқли шоири Туроб Тўла билан у кишининг Наманганга ташрифлари давомида учрашиш, суҳбатлашиш, бирга мушоира қилиш бахтига эришганман. Ўзбекистон халқ шоири Туроб Тўла ўзининг дилтортар ижоди, айниқса, жуда оммалашиб кетган, аксарият мухлислар қалбидан муносиб ўрин топган машхур кўшиқлари билан кўпчилик шинавандалар қатори мени ҳам маҳдиё қилган эди.


Кечагидай эсимда, ўша даврнинг машхур пахтакорларидан бири бўлмиш уйчилик Меҳнат Қаҳрамони Шарофатхон Дадабоевнинг дала шийпонидаги ҳаяжонли учрашув чоғида Туроб ака ниҳоятда очилган, яйраб-яшнаб шеърлар ўқиган, мухлисларининг саволларига тўлиб-тошиб жавоблар берган, бундан иштирокчилар ҳам, ўзи ҳам бениҳоя мамнун бўлган эди. Мушоирадан кейин ёзилган дастурхон атрофидаги гурунғ ҳам ниҳоят жонли бўлганлигини ҳамон ширин бир энтиқиш билан хотирлайман. Шоир дастурхонга кўйилган ўзига хос қатламани тановул қиларкан, пичирлаб шеър тўқиган ва бизнинг илтимосимизга биноан уни ўқиб, ҳаммамизни қойил қолдирган эди. Хотирам панд бермаса ўша тўртлик шундай эди:

**Қатламажон, қатлама,  
Таоми хон қатлама.  
Бунча тотли бўлмасанг,  
Сири ниҳон қатлама.**

Ўша пайтларда эндигина эл оғзига тушиб келаётган иқтидорли хонанда, “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовар бўлган машхур ҳофизимиз (Аллоҳ раҳматига олган бўлсин) Камолитдин Раҳимов ижросида Туроб Тўла шеърлари билан айтилган “Санам, ҳеч борми инсофинг”, “Оҳиста жон дединг” сингари ўнлаб кўшиқлар давра аҳлини бекиёс мамнун айлаганди. Кейинчалик ҳам мен Туроб домла билан кўп суҳбатлар қуриш бахтига муяссар бўлганман.

Мана шу яқинлик туфайли ҳам “Саодат” журнали бош муҳаррирининг устоз қаламига мансуб “Уч дугона” кўшиғи яратилиш жараёни ҳақида мақола тайёрлаб бериш тўғрисидаги таклифига бажонидил рози бўлдим.

Мақола сабаб бир замонлар “Пахтақайнар” (Ўзбекистон халқ ёзувчиси Йўлдош Шамшаров ибораси) сифатида катта довруқ қозонган, Наманган вилоятининг қарийб ярмига тенг поёнсиз маконда ястаниб ётган Поп туманининг марказидан то пойтахт вилоятигача бўлган кўзиғамас кенгликларни ўз ихтиёрига бирлаштирган, бағрида олтин кони, кўкларга ёндош тоғлари, баҳаво гўшалари, айниқса, истиқлол самараси сифатида белига боғлаган пўлат камари, унинг шарофати билан вужудга келган инфратузилма объеклари боис янада гуллаб-яшнаб, очилиб кетган Гурумсарой шаҳарчасига яқинлашар эканман, куюш ўз нури ва ҳарорати билан бутун борлиқни яшнатгани янглиғ, истиқлолимизнинг ҳаётбахш гоёлари бутун мамлакатимиз қатори Попнинг энг олис, чекка, овлоқ жойларини ҳам гурқиратиб юборганига яна бир қарра амин бўлдим.



Дарҳақиқат, улуг устозимиз Абдулла Орипов бир замонлар:

**Бу ерларнинг бори шу – қип-қизил саҳро фақат  
Насрга ярашмаса, ярашмайди назмга,**

– дея Қарши чўллари ҳақида ёзган битиклари худди бир пайтлардаги кимсасиз Гурумсарой ҳақида ҳам айтилгандай эди. Не бахтки, бугун мамлакатимизнинг илғор вилоятига айланган Қашқадарёнинг сердаромад маконларидан бири сифатида кундан-кун тараққиёт сари юз тутаётган Қарши чўллари янглиғ Гурумсарой ҳам нафақат Попнинг, балки Наманган вилоятининг улкан хазинасига айланиб бораётганлигига мисоллар талайгина. Биргина Мичурин номидаги доривор ўсимликларга ихтисослашган ҳудудда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Айниқса, шифобахш ўсимликлар борасида бу ҳудуд инсонларга ҳаёт бахш этадиган сеҳрли тилсим, десам ишонаверинг. Поп ҳақидаги, унинг мўъжизавий жиҳатлари ҳақидаги ҳаяжонли мулоҳазаларни куйидаги тўртлик билан ниҳоялайман-да, режадаги асосий мавзунини ёритишга ўтаман:

**Дўстлар! Ҳайрон бўлманг, ишқ этсам изҳор  
Ва ўтли меҳр ила айласам тавоф.  
Дунёда уч ҳарфли икки шаҳар бор:  
Битмаси Рим бўлса, иккинчиси Поп!**

– Ўшанда августнинг охирлари бўлса-да, ҳали техника гўза қатор ораларидан чиқмаган, ишлов бериш давом этаётган паллалар эди, – дея сўз бошлайди шоир Туроб Тўланинг машхур “Уч дугона” кўшигининг қаҳрамонларидан бири Махфират опа Сулаймонова, – тушлик баҳонасида тракторни чеккага олиб, ерга тушсам, худди шу пайтни кутиб тургандай, ўз замонасининг ноёб енгил машинаси бўлган ҳаворанг янги “Волга-21”дан бири-биридан башанг

кийинган икки киши тушди-да, ариқдан сакраб ўтиб, мен томон кела бошлади. Уларнинг бирини танидим, туманимиздан пойтахтга бориб раҳбарлик лавозимида ишлаётган Муҳсин Одилов, яна бири кўзимга таниш, аммо бирданига илғай олмай, Муҳсин ака кўмагида таниб олганим – ўша даврнинг машҳур шоири Туроб Тўла эди.

Ижодкор одам киши руҳининг муҳандиси бўлишини яққол ҳис этдимки, у кишининг шоирона ташбеҳли мушоҳадалари, ҳузурбахш илтифотлари, меҳнат аҳлига ҳордиқ бахш этувчи мулозаматларидан қулфи дилим очилиб кетди. Учовлон “Волга”га ўтириб, идорага – меҳмонлар шарафига ташкил этилган даврага бориб кўшилдик. Шоир сарҳовузга, унинг атрофидаги чиннигулларга ҳайрат билан боқиб, ҳовуз атрофида “ға-ға”лашиб яйраётган ғозларга ҳам ўзига хос ошиқона термилиб, нималарнидир пичирлай бошладилар. Қарангки, у киши шеър тўқиётган экан. Чиройли оҳанги билан қулоғимизга ёқимли эшитилган дастлабки сатри шундай эди:

**Сарҳовузнинг бўйларида учарми ғоз...**

Шу пайт даврага чорланган дугоналарим – Анорхон, Махфуралар ҳам бизга пешвоз кела бошлади.

Шоир хаёлчан пичирлайди, завқини яширолмай, баланд овозда ўқийди:

**Сарҳовузнинг бўйларида учарми ғоз,  
Чаман бўлур уч дугона қилса парвоз.  
Уч дугона, уч моҳирўй, уч пахтакор,  
Уч даламиз таровати, уч сарвиноз!**

Шоир ўзи билан ўзи. Унинг ўйчан, хаёлчан, сирли, баъзан болаларча ажабтовур ҳаракатларини ўзимизча зимдан кузатамиз, биз ҳам ўй сураимиз. У энди ўз ҳайратлари маҳсули бўлган сатрларни овозини баралла қўйиб ўқий бошлайди:

**Сирдарёнинг бўйларида уйларингиз,  
Оқаришиб кўринади бўйларингиз.  
Анормисиз, Махфурами, Замирами,  
Ширмонойнинг куйларидек куйларингиз.**

Хуллас, тушлик бироз сурилса ҳам шоир муддаоси сурилади: кўшиқ учун туғилган шеър чамаси битди, буни шоирнинг мамнун чехрасидан ўқиш қийин эмасди.

Етмишинчи йиллар шеърятда меҳнат кўшиқларининг сараларидан бири бўлиб дунёга келган “Уч дугона”нинг сўзлари ана шу тариқа меҳнатнинг қайноқ нуқталаридан бўлмиш Ғурумсарой ҳудудида пайдо бўлган эди.

– Биз кўз ўнгимизда тўқилган бу шеър шу даражада машҳур бўлиб кетишини етти ухаб тушимизда ҳам кўрмаган эдик, – давом этади шеърда Махфура деб тилга олинган, аслида Махфират бўлган опахонимиз, – орадан озгина ўтиб, бизни республика телевидениесида ўша даврда роса урф бўлган “Қизлар давраси” кўрсатувида чорлашди. Мен ҳақимда, дугоналарим ҳақида жуда ажойиб таърифларни айтиб, Муҳаммадҷон Мирзаев мусиқаси, Туроб Тўла шеъри билан ўша бизнинг гувоҳлигимизда, кўз ўнгимизда яралган шеър машҳур хонанда Дилором Қажомова талқинида янграб турибди-да. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, менга етар одам йўқ эди, ўшанда. Мен шеърнинг, кўшиқнинг, шоир, бастакор, хонанданинг жозиб қудратига қойил қолганман, беш кетганман. Бу кўшиқ, унга эгиз яратилган “Поп еллари, тўхтаг, менга навбат” (Бу ҳам Туроб Тўла қаламига мансуб)

кўшиқлари дугоналарим, шахсан менинг парвозимга қанот бўлиб хизмат қилди, десам зарра муболага қилмаган бўламан. Дугоналарим билан бирга ундик-ўсдик, бахтли-иқболли бўлдик. Бунинг учун тақдирга, айни пайтда довругимизни ёйган шоир, бастакор ва хонандага ҳар қанча таҳсин айтсак кам. Ўшанда ўқишга отланиб турган еримиздан:

– Менинг мактабимда ўқийсанлар, – деб далада олиб қолган машҳур раис Аҳмадҷон Одилов бизга ишонч билдириб, кейинчалик турли ўқишларга йўлладилар. Мени Москвадаги Тимирязев номидаги қишлоқ хўжалик академиясига жўнатдилар. Кўшиқда васф этилган дугоналаримдан бири Ширмоной Мирсултонова туман миқёсида ижрокўм раиси даражасигача кўтарилди, Анорхон Эргашева ҳам асло камлик кўрмади. Ҳаммасини худо раҳматига олган бўлсин. Улар бутун жисман сафда бўламаса-да, номлари кўшиқларда қолди. Замирахон иккимиз ўша кунларни эслаб, ҳаётда бежиз яшамаганимизни, қилган меҳнатларимиз роҳат бўлиб қайтганидан мамнун бўлиб Яратган Эгамга шукроналар айтаман.

Мана шундай таассуротлар оғушида бироз бетоб бўлса-да, сўзларидан гайрати, кўзларидан ҳаётга муҳаббати чакнаб турган олижаноб Махфират опанинг ҳузуридан мамнун чиқдик. Сўнгра қишлоқда тадбиркорлик ҳисобига топган маблағлари эвазига шоҳона тўйхона қурган Олимҷон ҳожи Эргашев мажмуасида набира тўйи қилаётган яна бир қаҳрамонимиз Замира опа Жўраева ҳузурига кирдик. Тўйхонадаги ўзига хос тантанавор руҳ, замондан хушнудлик, ҳаётдан мамнунлик туйғуси ила шодиёна қилаётган одамларнинг ёруғ чехрасига қараб ўзимизни янаям тетик ва бардам ҳис қиламиз. Айниқса, меҳнат қаддини букиб кексайиб қолган бир аёл сифатида тасаввур қилганимиз, тусмолаганда қирқ ёшлардаги қирчиллама аёлга менгзагулик, чехрасида ой, қалб тафтида қуёш балққандай тетик ва навқирон Замира опа Жўраевани кўриб, унинг теран, мазмундор мушоҳадаларини тинглаб, баҳри-дилимиз очилди. Меҳнат қаритмаслигига, аксинча, тоблашига, чиниқтиришига ишончимиз ортди, Попда йўргакланган кўшиқлар, уларда васф этилган қизлар ҳамон юракларда – қаабларда экани қониқиш уйғотади кишида. Қайноқ ҳиссиётлар шеърга айланади:

**Гар чин одамий бўлсанг,  
Ўздан ном-нишон қолдир,  
Эзгулик билан элда  
Ҳурмат, фахру шон қолдир.  
Доим мухтасар қилгин  
Сўйласанг бирон таъбир,  
Доно нуктадонларни  
Лолу безабон қолдир.  
Неча минг азиз зотлар  
Кетдилар очиб қўлни,  
Сен ҳам ўтасан бу ҳақ,  
Лек номинг омон қолдир.  
Бу бахтга етишмоқ-чун  
Ғайратдан камар боғлаб,  
Ҳар босган изинг узра  
Кўркам ошён қолдир.  
Дилрабо кўшиқлар эл  
Қалбда мудом ҳамроз,  
Номингни, Зиё, шундай  
Кўшиқларсимон қолдир.**

**Зиёвиддин МАНСУР,  
Наманган.**



# Сенсан мададжорим, Сен – кучим

Тўлан Низом,  
Ўзбекистон халқ шоири

## Деразамда чуғурлаган қуш

Тушунмадим сўзинга сахар,  
Кўп сайрадинг тинмай сарбасар.  
Тилинг мунча шакардан-шакар,  
Айт, нимадан келтирдинг хабар,  
Кўрган эдим бир гаройиб туш,  
Деразамда чуғурлаган қуш...

...Тирик эмиш севгилим, богда  
Оқ гулларни кучиб кучоқда –  
Унга томон юрдим, шу чоғда  
Ғойиб бўлди мендан узоқда.  
Эр бошимдан учди ақлу хуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш...

Бу дунёда айрилиқ ёмон,  
Торлик қилур ер билан осмон.  
Ўғирласа севгисин ҳижрон,  
Қандай чидар йигит деган жон.  
Жисми қолса қуп-қуруқ, бўм-бўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш...

Йиллар кечди сочга ташлаб оқ,  
Лек сўнмади ёрга иштиёқ.  
Вафо бўлди бир қайнар булоқ,  
Қатрасида армон ва фироқ.  
Сўнг тугилди дostonлар қўш-қўш,  
Деразамда чуғурлаган қуш...

Сен нимадан бердинг нишона?  
Таширфингга нима баҳона?  
Тўхта, сенга бўлай парвона.  
Мана, сенга ушбу қошона.  
Қанотларинг тилломи, кумуш?  
Деразамда чуғурлаган қуш...

Илтимосим: яна сайраб бер.  
Созингни чал, яйраб-яйраб бер,  
Фолингни оч, эртам қараб бер,  
Ҳеч бўлмасин шоир фаромуш,  
Деразамда чуғурлаган қуш...

2009 йил

## Шонг

Шамол гулни уйғотди,  
Гул кўнгилни уйғотди,  
Кўнгил ёрни уйғотди,  
Ёр булбулни уйғотди,  
Булбул йиглаб сўз қотди:  
“Бўлди, энди тонг отди,  
Ой қуёшни уйғотди”.

2006 йил

## Шеър айтгим келяпти, онажон!

Қаро тун тарқалур, нур яқин,  
Жисмимни куйдирар бир чақин,  
Согинчдан юрагим зўр оқин,  
Ларзага келтириб кўк тоқин –  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Суратинг ҳеч кўзимдан кетмас,  
Дод десам-да овозим етмас,  
Ер-ку бориб хабарим айтмас,  
Дардим битмас, шеърларим битмас,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Мозорингга ўтқаздим бир гул,  
Эртаю кеч йиглаб турар ул,  
Бош кўтаргил, унга қараб кул,  
Шохларига қўнсайди булбул,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Қолдим баъзан гам ичра нолон,  
Шунчалар ҳам тормикан жаҳон,  
Кўнгил оғрир, жигарим ҳам қон,  
Садо қилмас ер билан осмон,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Отам ўтди кўрмай рўшнолик,  
Ундан мерос – дўстлик, ошнолик,  
Отасизлик – аччиқ ташиналик,  
Ота бўлиб йўлга бошладинг,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Бола эдим, кетмонни олиб,  
Далаларга чиқдим йўл солиб,  
Кечда қайтдим чарчаб ва толиб,  
Сўнг ром этди, шеър экан голиб,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Навоий тушимга кирди неча қур,  
Бобур кўз олдимда тик, мағрур,  
Машираб деди: юр, мен билан юр,  
Қўлимдан ушлади Миртемир,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Келин кўрсам, деб айтган эдинг,  
Набиралар гамин ҳам единг,  
Бош ўғлимни, бу Бунёд дединг,  
Кичкинасин бу Озод дединг,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенга ўл иаши одам бормикан,  
Она каби ҳамдам бормикан,  
Она номли зўр гам бормикан,  
Онасиз ҳам олам бормикан,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!

Сенсан мададжорим, Сен – кучим,  
Эзгуликка тўлган бор ичим,  
Ҳеч кимга йўқ ҳасадим, ўчим,  
Шеърга битмоқ фарзандлик бурчим,  
Шеър айтгим келяпти, Онажон!





**Фарангиз  
ЭРГАШЕВА,**  
Наманган давлат  
университети  
қошидаги 1-академик  
лицейи ўқувчиси

### *Эй бахт, сен...*

Ёлғизхол  
Ногаҳон ўзимга савол бераман,  
Отамнинг сочида нега қиров-қор?  
Бир кун қувончлар олиб келаман,  
Эй бахт, сен отамнинг ёнларига бор.  
Дейман: қарибдилар, сезмай қолибман,  
Ажинлар из солмиш нурли юзига.  
Эҳ, мен-ку қувончу бахтдан толибман,  
Худойим, нурлар бер отам кўзига.  
Чексиз самолардан таралган зиё,  
Отам даласига сочар баракот.  
Онам эгатлардан йўлайди дуо,  
Кундан-кун бахтимга йўғерилар ҳаёт.  
Қушлар, бериб турунг қанотингизни,  
Учиб бориб келай онам қошига.  
Осмон, узун қилгин ҳаётларини,  
Кувончимни тож қил азиз бошига.  
Яна юрагимга савол бераман,  
Отамнинг сочида нега қиров-қор?  
Бир кун қувончлар олиб келаман,  
Эй бахт, сен отамнинг ёнларига бор.



**Маҳдиё  
БАҲОДИРОВА,**  
Андижон вилояти  
“Уммон” адабий  
тўғараги аъзоси

### *Айловда*

Кўй-қўзилар қувнашиб,  
Бири-бирин қувлашиб,  
У ён-бу ён чопишар,  
Ирғишлашиб, ўйнашиб.

Сурувни бошлар серка,  
Кўйлар ичида эрка.  
Кўнгиروي бўйнида,  
Етаклар ўтли ерга.

Чўпон чалар найини,  
У куйларнинг майини.  
Найин чалса не бўпти,  
Эслаб Ойдинойини.

Яйлов ҳам кўп мароқли,  
Ерлар майса-ўтлоқли.  
Ҳадемай катта сурув,  
Тўлдирди сўқмоқни.

Кўзичоқлар қўй бўлар,  
Сўнгра қўшиқ, куй бўлар.  
Чўпон етар мақсадга,  
Ойдин қиз-ла тўй бўлар.



**Савара  
НУРМАТОВА,**  
Тошкент

### *Далда*

Дарди бор ҳар инсон яшайди ҳамдard,  
Армони бор юрак айтар ноласин.  
Бироқ беҳудага йиғламас жўмард,  
Пинҳона сақлайди қалбин жоласин.

Ҳаёт синовлари қадам ва қадам,  
Вақт деган ҳакам-ла боргин умидвор.  
Қаддингни баланд тут, боравер бардам,  
Гарчи машаққатлар, заҳматлар бисёр.

Таслим бўлиб қолма, юрма хастахол,  
Номардлар арзимас кўзинг ёшига.  
Ёруғ кўнгил ила кунни қарши ол,  
Фақат бошингни эг Тангрим қошида.



**Бону ЭРМАТОВА,**  
Чирчиқ давлат  
педагогика институти  
қошидаги академик  
лицей ўқувчиси

### *Истагим*

Эй майса, рангингдан менга қарз бер,  
Яшилликка буркай муштоқ кўнглимни.  
Кузгача яшайсан, майли файз бер,  
Яшнатмоқ истайман умр йўлимни.

Оқ капалак! Оппогим, оҳ, капалак,  
Ёнингда бир лаҳза қолайин майли.  
Кўркингни аяма менадан, камалак,  
Тонгим нурли бўлсин сенинг туфайли.


Ҳой булут!

Осмонни қучган, ҳой булут,  
Олисни кўзлагин, олисни кўзла.  
Менинг ерим унут, осмоним унут,  
Фақат мовий бахтнинг сирларин сўзла.

Кўзимга иўнгиған жилвакор ёмғир,  
Юрагимдан ювгин ҳижрон изларин.  
Ойнинг догидан кўп дардларим оғир,  
Шабнамда чайилсин тонгинг юзлари.

Райҳон, ифорингни қизгонма фақат,  
Жаннатга элтсин-да мени бу ислар.  
Кўнглим, эзгуликка йўғерилсин ният,  
Чин ишққа етказсин мени бу ҳислар.

Ҳар маҳзун қалбда бахт уруғи унсин,  
Худойим ижобат қилсин ноламни.  
Покланиб олсин дил муҳаббат учун,  
Яшнатмоқ истайман бутун оламни.



# Чинакам КОМИЛА ЭДИЛАР

*Болалик сирли, сурурли олам. Бу дунёда яшаб вақт оқар сувдек эканлигини дафъатан англамайсан. Дўст-ёрларинг билан тол шохини от қилиб миниб юрган, мажнунтоллари сувга сирини айтган ариқларда чўмилиб, офтобга тобланган масканни сен тарк этмайсан-у, лекин болалигинг сени ташлаб кетганлигини билмай ҳам қоласан.*

Театрга қачон ва қандай кириб келдим? Бу ҳақда гапириш мен учун доим мароқли. Ҳали юрагимга санъат отлиг меҳригиё кириб келмаган, ўйинқароқлик қилиб, томдан-томга сакраб юрган чоғларимда ногоҳ уйдаги машваратни эшитиб қолдим-у, “Мен ҳам театрға бораман!” деб туриб олдим. Ана шу биринчи ташриф каминани санъатга ошуфтаю ошиқ қилди-қўйди. Албатта, ногоҳ уйғонган қизиқиш уйдагилар, айниқса, онагинамининг хиссаси, далдаси, кези келганда ҳимояси билан мақсадга айланди.

Онам Комилахон Азизова жуда камтар, мулоҳазали аёл эдилар. Мен ўн битта фарзанднинг учинчиси эдим. Фарзандлари вафот этавериб юракларини олдириб қўйган онам исминни атай Турғун қўйган эканлар. Уйимиз Тошкентнинг марказида, театрға яқин жойда эди. Бир куни уйга қариндошлар тўпланишиб: “Эртага театрда зўр томоша бўлади, Аброр ўйнар экан, борайлик”, деб маслаҳат қилишди. Мен қўшни хонада эдим, югуриб чиқиб, ойимга хархаша қила бошладим: “Мен ҳам бораман, ўша театрға, бораман!” Онам қариндошлар олдида бироз хижолат чеккандек майин кулимсираб: “Борасан, оппогим, борасан”, дедилар. Бу ҳозирги Ўзбек Миллий академик драма театрида қўйилган машҳур “Отелло” спектакли бўлиб, унда бош ролни ижро этаётган Аброр Ҳидоятлов менинг тоғам эдилар. Настида бўлса тортади, дегани рост экан. Чунки мендек ўт олов боланинг биринчи марта театрға борибоқ бу даргоҳни яхши кўриб қолишимга фақат болаларча қизиқишим эмас, балки, Аброр Ҳидоятловдек буюк инсон билан қондошлигим ҳам сабаб эди.

Ўша куни ҳаммамиз санъат кошонасига бордик. Пушкин боғидаги ёзги клубда одам гавжум.

Одамлар катта қизиқиш ва ҳаяжон билан саҳнага термилишар, спектаклнинг бошланишини сабрсизлик билан кутишарди. Бир маҳал томоша бошланди. Мен ҳам қулайроқ жойлашиб, бўйнимни чўзиб, саҳнадаги кишиларнинг хатти-ҳаракатини кузата бошладим. Бола шуурим воқеаларни охиригача тушуниб етмаса-да, лекин унинг фожиа эканлигини англаб турардим.

Қарасам, жингалак сочи, қоп-қора одам (тоғамни дастлаб танимаганман) чиройли бир аёлга бақириб, уни бўға бошлади. “Дод”, деб юборишимга сал қолди. Бир менми десам, бошқалар ҳам жуда ҳаяжон билан кузатишяпти, одамларнинг нигоҳларида кўрқинч, ачиниш... Уйга қайтгач ҳам саҳнада кўрганларимни ўйлаб



Актёрнинг онаси  
Комилахон ая

юрдим, аёл (Дездемона)нинг гуноҳи йўқлигини сезиб турардим-у, аммо нега у қурбон бўлганлигини тушуна олмасдим. Кейинчалик билсам, актёрлар шу қадар ролларини берилиб ижро қилишар эканки, томошабин уни худди ҳозир, ҳаётда содир бўлаётгандек ҳис қилган экан. Аброр Ҳидоятлов шу ролини бир мавсумда 25-30 мартаба ўйнаганидан соғлиги ёмонлашиб, кейин шу дард уларни олиб кетганлигини ақлимни танигач, билдим.

Дадам Турсунхўжа Азизов бошқа соҳада ишласалар ҳам, санъатни яхши кўрар, тез-тез спектакларға бориб турарди. Бир куни мени ҳам туркманча “Аллам оиласи” спектаклига олиб борганлар. Кейинчалик ўзим ўртоқларим билан ёзги клубларға

борадиган, пулим бўлмаса девордан ошиб тушиб бўлса ҳам спектаклларни кўрадиган бўлдим. Бу бебошлик учун қоровулдан калтак еган кунларимиз ҳам бўлди. Лекин барибир театрдан кўнгул уза олмасдим, оёғим ҳам, юрагим ҳам томошагоҳга тортаверарди.

Уйда ойим дадамнинг раъйига қарар, бизни ҳам шундай тарбия қилган эдилар. Дадам қаттиққўл, лекин меҳрибон инсон эдилар. Мактабни тамомлар чоғда, бир куни дадам: “Ўғлим, етуклик гувоҳномангни ҳам олдинг, институтга топширдингни?” – деб сўрадилар. Бир муддат нима дейишимни билмай қолдим. Улар менинг иқтисодчи бўлишимни истар, лекин мен юрак ютиб: “Актёр бўлмоқчиман, шу йўлни танлаганман”, дея олмасдим. Синчков тикилиб турган падаримни ранжитиб қўймасмиканман, деган андишада: “Топширдим, лекин театр институтига”, дея олдим, холос. Отам оғзиларига солмоқчи бўлган ош қошиқда қолди ва “таққ” этиб косага тушди. Сўнг ойимга юзланиб, “Мана, буям артист бўляпти, сенинг қонингда бор-да”, дедилар ярим дўк, ярим ҳазил қилиб. Ойим бўлса жилмайиб, “Майли, хошам, шуни кўнгул тусаса бўлақолсин. Менинг қонимда бўлса, ўзингиз ҳам театрга серқатновсиз-ку”, дедилар секингина. Дадам бирон жўяли жавоб тополмадиларми, ҳарқалай юзига фотиҳа тортиб, туриб кетдилар. Талаба бўлганимдан сўнг ҳам дадамнинг ройиш бермай юрганликлари, ўйнаган ролларим ҳақида бирон фикр билдирмаганларидан гоҳида эзилардим. Шундай пайтларда ойим менга далда бўлар, ижроларим, сахнада яратаётган қахрамонларим ҳақида ўзининг содда, аммо ҳаётий хулосаларини билдирар, тасалли, тавсиялар берарди.

Ижодий имтиҳонларни аъло даражада топширганлигим учун имтиҳон ҳайъати аъзолари мени бирданига иккинчи курсга олмоқчи бўлишди. Бироқ тоғам Аброр Ҳидояттов бундан хабардор бўлгач, менинг биринчи курсдан сабоқ олишим зарурлигини ўқитувчиларимизга обдан тушунтирибдилар. Бунинг учун улардан бир муддат хафа ҳам бўлиб юрдим. Аразлаб юрганлигимни билиб, бир куни ёнларига чорладилар. Қовоқ уйиб бориб, рўпараларига чўқдим. Тоғамнинг салобати, қалин қошлар остидаги ўткир, тийрак нигоҳларига дош бериш қийин эди. Кимсан, халқнинг суюкли фарзанди, Ўрта Осиёнинг Отелоси деган шарафли номни олган Аброр Ҳидояттовдан аразлаш, гина қилиш ҳали сахнанинг хокини ўпмаган, тер тўкмаган мендек йигит учун мумкин эмаслигини бирдан тушундим.

– Сен мендан бекорга хафа бўляпсан. Актёр бўлиш сен ўйлаганчалик осон эмас. Битта роль устида

ойлаб, йиллаб меҳнат қилишинг, ухламай тайёргарликлар кўришинг, керак бўлса, тушларингда ҳам шу роль билан яшашинг шарт. Агар сен ҳозир иккинчи босқичдан бошласанг, қум устига иморат қурган бўласан. Бу бино қанчалик кўркам бўлмасин, битта сел унинг тақдирига нуқта қўяди. Санъат йўли эса сел ва бўронларсиз бўлмайди, ўғлим. Барча сабоқларни аввалдан бошла. Меҳнатдан қочма, кибр-ҳавога берилма.

Кейинчалик тоғамнинг бу ишидан кўп марта миннатдор бўлдим. Назарий билимлар ички иқтидорни намоён этишингизга ёрдам берар экан. Мен бу ҳақиқатни устозларим Шукур Бурҳонов, Тошхўжа Хўжаев, Олим Хўжаев, Наби Раҳимов каби санъат дарғалари билан елкама-елка ижод қилганимда уларнинг меҳнатсеварлигини, ўз устида ишлашини, ўрганишини кўрганимда чуқур англадим.



Актёрнинг отаси  
Турсунхўжа Азизов

Театрдаги муваффақиятларимдан, айниқса, ойим қувонарди. Ҳар бир ролимни кўришга, рағбатлантиришга интиларди. Бир гал “Қутлуғ қон” спектаклида устоз санъаткор Шукур Бурҳонов билан ота-бола ролини ўйнайдиган бўлдик. Мен отасининг ортидан қоп кўтариб юрадиган бўз бола образини яратдим. Онам шу қадар хурсанд бўлганларки, “Шундай машҳур артистлар билан роль ўйнаяпсанми, демак, сендан устозларингнинг умиди катта”, дегандилар елкамга қоқиб. Кейинчалик “Макр ва муҳаббат”, “Биринчи муҳаббатим”, “Қирол Лир” каби бир қанча сахна асарларида шундай улуғ санъаткорлар билан роль ижро этиб, онамнинг олқишларини олдим.

Бора-бора дадам ҳам мени тушундилар. Ўз ишимни яхши кўришимни, театрсиз яшай олмаслигимни билдилар. “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвонини олганимда шифохонада ойим билан даволанаётган дадам, “Ўғлингнинг иқтидори яхшими дейман, бундай юксак эътирофга лойиқ кўришибди”, деган эканлар кулиб. Бу ёшлигимда қилган “хатоим” учун дадамнинг мени кечирганлари эди, назаримда.

Не-не тақдир эгаларининг қиёфаларини яратган, бир қанча шоғирдларни тарбиялаб, театр қозонида пишיתיб келаётган устоз ижодкор сифатида айта оламанки, менинг санъатда эришганларимда, аввало, ота-онамнинг хизмати ва кўмаги катта бўлган. Ролларининг шуҳрат топгани, элнинг меҳрини қозонгани актёрнинг биринчи бахти бўлса, тақдирида тушунадиган, сабрли, кечиримли, зукко аёллар борлиги унинг иккинчи бахтидир. Мен шундай БАХТдан масрур яшадим ва яшамоқдаман.


**Наргиза АСАДОВА суҳбатлашди.**



УШБУ МАҚОЛА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ КўМАГИДА ТАЙЁРЛАНДИ.  
ЛОЙИҲА НОМИ: “МАЎНАВИЯТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ”.

# Тўйдан кейин

ҲИКОЯ



Рисом М. АБДУЛЛАЕВ

У бутун хонани эгаллаган хонтахтага, гажимдор дастурхон устини безаган ярқироқ чинни идишларга, “чақ-чүк”лари яримланиб қолган биллур вазачаларга, шоколадлардан бўшаб қолган зарҳал тақсимчаларга боқаркан, беихтиёр хўрсинди. Девор бўйлаб тўшалган духоба кўрпачаларнинг устига парвосиз ташланган ёстиқларга, кечагина кўрган кўзни ҳаваслантириб яшнаган, бугун эса олд пардаси йиғиштириб олинганига кемтикланиб қолган гўшангага кўзи тушгач, ич-ичидан яна хўрсиниқ келди. Шу пайт ташқаридан идиш-товоқларнинг шарақлагани, сувнинг шовулагани эшитилди.

Шошиб уйдан чиқди. Ҳовлида, сўри тагига ўрнатилган қатор столлар устида ювиб тўнкариб қўйилган косалар, пиёлалар, лаганлар тўп-тўп бўлиб уйилган, бўй етган жиянлари ўзаро қиқирлашиб,

тоғораларни чайишар эди. Нарироқда ўспирин ўғли ҳовлининг гир четига терилган енгил пластмасса курсиларни йиғиб, тахлайди, эри қўл телефонини қулоғига босиб олганча, хушнуд, ким биландир гаплашади.

У шундагина уй ичига нега кирганини эслади. Дастурхон устини йиғмоқчи эди. Ортига қайтди. Писта-бодомларни халтачага соларкан, қанчалар чарчаганини ҳис қилди.

Барибир юмушини охирига етказолмади. Халтани шундоққина оёқ устига ташлаб, нариги хонага, қизининг ётоғига ўтди. Бу ер ҳам бесаранжом, курсилар суянчиғида жиянларининг узун этакли кўйлаклари, тошойна устида тароқ, упа-эликлар жойланадиган мўъжаз чарм жилдчалар, сочни жингалак қиладиган симли темир қисқичлар, гилам устида баланд пошналар ялтироқ пойабзаллар...

Кимдир шошиб ёпганидан кийим жавонининг эшиги четидан бинафшаранг кўйлакнинг этаги “мўралаб” турибди, каравот устида қизининг қаймоқранг никоҳ кўйлаги тахлоғлиқ, тахлам устида биллур тошчалари ярқираган чиройликкина тож... Шундагина юрагини нима сиқиб келаётганини англади. Қизи, йигирма бир йил бағрида авайлаб юрган Камоласи энди ёнида йўқ. Тожни қўлига олиб, ҳафсала билан ҳар битта тошчасини, ҳар бир безагини бирма-бир кўздан кечириб чиқди. Кейин кўйлакнинг тахламини ёзиб, томоша қилди. Кечагина қизи мана шу либосда яшнаб эшикдан чиқиб келган эди, бўй қизларнинг ҳавасларини келтириб, зарбоф тўнга ўранган куёвнинг ёнига тушиб жўнаган эди. Кўйлакни юзига босиб кўрди. Силиқ шойи кафтлари орасидан майин сирпаниб ўтди. Либосда билинар-билинмас олма ислари қолибди. Бу Камола севган атирнинг ҳиди эди.

Тўлиқиб йиғлаб юборди.

...Камоласи жуда қақажон эди. Эсида, рўзгорлари эндигина бўлак бўлиб, янги қурилган уйларига кўчиб ўтишган пайтлари. Сирғалидан шаҳар марказига, ота-онасини кўргани келиб-кетиш анча маҳол, автобуслар доимо тирбанд бўларди. Бир сафар автобусга чиқадиганлар шунчалик кўпайиб кетдики, Камолани бағрига босиб олганча, туртина-суртина зиналардан юқорига аранг чиқиб олди. Уриндиқларнинг ҳаммаси банд эди, қизчасини бир қўллаб кўтарганча иккинчи қўли билан пайпасланиб ушлаб туришга тутқич излай бошлади. Камола бошини адал кўтариб, у ёқ-бу ёққа аланглади-да: “Болали онага жой бейингла”, – дея кичқирди...

...Ўшанда Камоланинг қилигини неча кунгача гапириб, кулишиб юришган эди.

Камоланинг бу қақажонлиги кейинроқ ажиб бир зукколикка, зарифликка айланди. Қизгинаси ҳар нарсага кутилмаган, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган таъриф топа билар эди. Бир куни қайнонаси кулганча: “Бу қизимга Зарофат деб исм берсак ҳам бўлар экан”, – деса, қайнотаси кулимсираб: “Бувисининг ёшлиги-да”, – деганди...

Аёл қизининг зукколигидан бирда ғурурланса, бирда чўчирди. “Қизларнинг ювош бўлгани тузук, дерди онам, ўзим шундоқ эдим, бу қақажон қурмагур. Ҳамма ҳам хотинининг ақлли бўлишини ҳоҳламайди-да! Ишқилиб...”

Бир куни, навбатдаги совчини кузатгач, хавотири эрига айтди. Эри яйраб кулди.

– Камолага, худо хоҳдаса, ақлли хотинга уйланишни истайдиган йигит учрайди. Ҳеч қўрқма! Сен отам билан онамга қара!

Ростдан ҳам, қайнота-қайнонаси кам учрайдиган, ажиб бир жуфтлик эди. Аёл икковига ҳавас билан қараган пайтлари кўп бўлган. Қайнонасидаги тўлиб-тошган ғайрат, зукколик, қайнотасидаги вазминлик, закийлик ажойиб бир тарзда уйғунлашган эдики, уларнинг бир-бирларига қилган мурожаатларининг ўзи ибратомуз томоша бўлар эди.

– Акмал менга тортган, – дерди кўпинча қайнонаси. – Сиз, ё тавба, худди дадангизнинг феълени кўчириб олгандайсиз.

Яратганнинг қудрати ҳайратомуз: ўзи бино қилган гўзал уйғунликни бандаси олдига у ёки бу талқинда қайтаравераркан. Она ўша куни уйига кириб келган совчи хотин билан бир-икки оғизгина гаплашибоқ дили ўз-ўзидан равшан тортди. Ўрта бўй, қорамағиз совчи аёлнинг сокин овозда, ипга тизилган мунчоқдек бир текис терган сўзларига маҳлиё бўлганидан, сўрайдиган саволлари ҳам ёдидан кўтарилди. “Жуда истарали хотин экан, – ўйлади беихтиёр. – Гап-сўзлари бирам маънили...”

Оқшом эрига “ахборот” берди. У хотинининг сўзларини эшитиб ўтирди-ўтирди-да:

– Совчи сенга маъқул кепти, шекилли. – деди. – Жуда батафсил таърифладинг?

Аёл кулимсираб қўйди. Ўйлаб қараса, совчи аёлнинг феълда ўзини кўзгуда кўргандек бўлган, шунинг учун дили ёришган, кўнгли исиган экан!

Йўқ, қизи яхши жойга тушди. Куёв ўзига ҳам жуда ёқди. Қизига эса инчунин...

... Унинг Камоласи оқшом чоғи бир қўлида алвон гулдаста, иккинчи қўлида ширинлик солинган катта қути билан остонада кўринганда юраги бир қалқиди. Қизининг эғнидаги зумрад рангли соддагина кўйлак, оёқларидаги қошиқдеккина туфли кўзига худди суратли китобчаларга чизилган кўғирчоқларнинг безакларига ўхшаб кўринди. Камола остона ҳатлаб ўтди-ю, онасига кўзи тушиб, “дув” қизарди, нима қиларини билмай, тўхтади. Бошини кўтармасдан салом берди.

Она бўғзига йиғи тикилиб келаётганини сезиб, шошиб алик олди.

– Кел, қизим, – деди овози титраб. – Уйга кир. Даданг ҳам келиб қолади.

Кейин ўзи ҳайрон бўлди. Нега йиғи босиб келяпти? Қизи бўй етгандан бери шу кунни орзу қилган эди-ку! Кўзига чиройли кўринган нимаки мато бўлса, Камоласига илинмаганмиди? Эрталаб отаси розилигини билдириб, Камолага фотиҳа берганда шу кунларга етганига шукурлар қилмаганмиди? Нега кўзларига ёш тўлиб кетди?

Назариди қизалоғи, Камоласи бирданига улағайиб қолди. Чеварникдан сарполари олиб келинганда, аввало қайнсинглиси, кейин овсини, кеннойиси айвонни тўлдириб ўтириб олишди-да, Камолага кўйлаklarини бир-бир кийгазиб томоша қилишди. Она бошига авайлаб қўндирилган ипак дўппи устидан зар сочилган рўмонни ташлаб, майда тароқ адрас кўйлак-лозимда бир-бир босиб чиқиб келган қизини кўрганда юраги бир шувиллади. Қариндошлар ўзаро кулишиб, ҳазил-ҳузул билан Камолани яна либос алмаштиришга ундашди. Қиз қизаринқираб бошқа бир кийимни, узун мовий кўйлак устидан заррин нақшлар билан зийнатланган нимчани кийиб, бошига чиройли дуррачани ўраб чиқди. Аёллар чувиллашиб олишди. Она эса қариндош-

лари шовур-шувур қилишгани сайин юраги тушуниксиз бир ҳисдан тўлиқиб бораверди. Қизи болалик оламидан аллақачонлар чиққанини ақлан тушунса-да, неча йилдан бери совчи кутиб, Камоласини хаёлан келинлик либосида кўриб юрган бўлса-да, ўша дамда, чиройли ипак либослар кучоғида яшнаган қизини кўрганда кўзларига ишонмай тураверди. Қизи, қизалоғи улгайибди! Аёллик дунёсига қадам босиш арафасида турибди! “Илойим, қадамлари енгил бўлсин!” – деб шивирлади беихтиёр.

Бир вақт кимдир елкасига аста қўлини қўйди. Она шошиб кўзларини артди.

– Ойи, чарчадингиз, дам олинг, қолган ишларни ўзимиз тугатиб қўярмиз, – деди кенжа қизи Наргиза меҳрибонлик билан.

Она индамай бош силкиди. Нариги хонадан жиянларининг кулгиси, чиннининг жаранглагани, патнисларнинг шарақлагани эшитилди. Аёл кўзларини рўмоли учлари билан артиб, эшиқдан мўралади. Наргиза опасининг уй кўйлагини эгнига илиб олибди. Она беихтиёр кулимсиради: “Эгачим эрга тегди, эскиси...” дейишармиди?

Кейин яна кўнгли бузилди. Юмушга андармон бўлишга уриниб, уй ичида кезина бошлади. Бир нарсаларни йиғиштирган бўлди: майда-чўйда буюмларнинг бирини у ёққа, иккинчисини нариги ёққа олди, жавонларнинг ичига нималарнидир тикди, кенжаси эса ҳали у томонга, ҳали бу томонга ўтар, даста-даста чинни, тахлам-тахлам сочиқ, дастурхонлар кўтариб юрар, уни кўргани сайин онанинг юраги янада тўлиқарди. Назарида, уй ичида юмушга уриниб юрган Наргиза эмас, Камола эди. “Ё тавба, уй тўла одам-ку, юрагимнинг ҳувиллашини қаранг”, – ўйлади беихтиёр.

– Амма, ўзимиз уддалаймиз, чарчагансиз, дам олинг, – дея бижирлади жиянларининг бири.

– Иш тугаб қолди, дам олаверинг, кеннойи, – деди иккинчиси.

Аёл ҳовлига чиқди. Эри ҳамон қўл телефонини қулоғига босиб олганча, ким биландир берилиб гаплашар, ўғли эса бир тўп ўртоқлари билан ҳангомалашганча, қозон-ўчоқни кўтариб, аравага ортишарди.

Она уҳ тортди. Шу топда эри билан гаплашгиси келди, ҳеч бўлмаса, пиёзнинг нархини муҳокама қилишса ҳам майли, фақат гаплашса, кўнгли ёзилса бас.

Аммо эри телефондан ортадиганга ўхшамасди. Яна кўзларига ёш келди. “Бу уйда дардимни англари киши борми ўзи?” – деб ҳайқиргиси, оламни бузгиси келди. Сал ўтмай, ўзидан ўзи уялди. Хўп, дардингни айт, дейишса, у нима дейди? Қизимни узатдим, энди юрагим сиқилляпти, ҳаммаёқ ҳувиллаб қолди, дейдими? Қиз узатган фақат сенми? Агар шу дардга чидамасанг, қизингни олиб ўтиргин эди, дейишмайдими?

Шу пайт кимдир келиб биллагини сиқди. Бошини кўтарди. Эри.

– Бас энди, кўзингни арт...

Аёл кафтлари билан қовоқларини ишқади. Жилмайишга уринди. Лекин лаблари сал тортилди, холос.

– Наргиза опасининг кўйлагини кийиб олибди, – деди. – Яна у ёқдан-бу ёққа ўтаверади, ўтаверади...

– Майли. Энди бу ёғига яна бўшаган санди-фингни тўлатаверасан...

Онанинг ўпкаси тўлиб кетди. Эркак бошини чайқади: “Етар энди...”

“Тушунмади, – хўрсинди аёл. – Тушунмади-я...”

Бу дардининг нималигини фақат она англай олади. Бир вақтлар унинг ўзи оппоқ келин либосида, карнай-сурнай садоари остида эрининг уйига кириб келган эди. Шунда онасининг кўнглидан нималар ўтган, ўйламабди ҳам. Ажаб ҳикмат, кеча унинг қизи карнай-сурнайнинг шодон суронига кўмилиб, жўнади. Онасининг дилидан нелар кечганини эса, турган гап, билмаган, англамаган...

Қизларнинг чекига тушгани шу экан-да! Аввало ота-онасининг кўнглини яшнатар, кейин қуш мисол учирма бўлиб, ўзга оилани гуллатар экан.

Энди ўйласа, карнайнинг “ваҳа-ваҳа”си куёв томоннинг тоғдан ошар шодлигини, сурнайнинг ҳазин ноласи келин томоннинг гусса аралаш қувончини тасвирлар экан. Тўйнинг олаговур хурсандчилиги алдамчи бир томоша, қизини бағридан юлиб олиб бераётган онанинг дилидаги оғригини ўддириб турадиган дори экан, чиройли сарпо-суруқ, сават-сават патире ҳолвалар, ширинликлар билан, карнай-сурнай, ноғора билан келишиб, она бечоранинг кўнглини овлаган бўлишар экан-у, кўзининг гавҳарини, қалбининг оташини қанотларига олиб кетишаркан! Яна шуниси қизиқки, оналарнинг энг катта орзуси мана шу кунга етиш экан!

Бир пайт Наргиза қўлида телефон кўтарганча югуриб келди:

– Сизни аммам сўраяптилар.

Телефонни қулоғига тутди, нариги томондан қайнсинглисининг шодон товуши келди.

– Чарчоғингиз тарқай деяптими, кеннойи?

– Раҳмат, – деди аёл ҳорғин.

– Ҳали кечроқ олдингизга ўтаман, – давом этди қайнсингил. – Эртага тагин шошиб қолмайлик.

– Нимага?

– Вой, тавба! Қуданикига йўқлов жўнатмай-мизми?

– Ҳа-я... – жавоб қилди аёл паришонҳол.

Қайнсингил шарақлаб кулди:

– Бу ёғига энди, кеннойижон, қудачилик дегани бошланди.

Аёл беихтиёр жилмайди.

– Лекин тўй жуда чиройли ўтди, илойим борган жойида униб-ўссин, – алқади амма.

– Айтганингиз келсин! – деди она жавобан. “Ростдан ҳам, тўй жуда чиройли ўтди”. Қайнсингилдан эшитганини ичкин бир овозда такрорлади. Энди шу биргина гап бозиллаб турган кўнглига сув сепгандек бўлди.

# ЎҚИТУВЧИ ФАҚАТ ЎҚИТМАЙДИ



Мамалякатиимиз Президентининг 2018 йилнинг 15 августидаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чоратадбирлари тўғрисида”ги Қарорининг эълон қилиниши халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган барча маорифчиларнинг кучига куч, ғайратига ғайрат кўшди. Улар 2018-2019 ўқув йилини бошқача бир мақсад, бошқача бир иштиёқ билан бошладилар. Чунки бу тарихий Қарорга кўра ўқитувчилар учун яратилиши кўзда тутилган моддий ва маънавий имкониятлар муаллимлардан ҳар қачонгидан ҳам фолдор, жонкуярроқ, фидойирроқ бўлишни талаб этади. Устозларнинг билим даражасининг юксалгани, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати фарзандлар камолида минг карра кўпайиб акс этади.

Юртимизда шундай яхши ўзгаришлар рўй бериб турганида, “ўқитувчи” деган шарафли номга доғ туширишга сабаб бўлган нохуш воқеалардан сўз очиш бироз ножоиздек туюлади. Лекин бу воқеа ҳақиқат, унда шу соҳа кишилари учун катта ибрат ҳам бор. Шунинг учун (ўқитувчи ва ўқувчиларнинг исмини ўзгартириб) бир жиноятнинг таҳлилини баён қилишни лозим топдик.

“Алимуҳаммедова Севара – 1984 йил Тошкент шаҳрида туғилган, маълумоти олий, оиласидан ажралган, икки нафар фарзанди бор... 2012 йилдан буён касб-хунар коллежида бўлим мудирини бўлиб ишлаган...”

Муаллимларга хос бўлмаган тарзда ўқувчиларни дарслардан бездириш, энг ёмони порахўрлик билан шуғулланган Алимуҳаммедованинг шахсини тавсифловчи сифатлар ҳеч кимда унга нисбатан шубҳа уйғотмайди. “Муқаддам судланмаган”, – дея уни оқловчи бир восита топгингиз келади. Оиласидан ажралганлигига эса тақдир тақозоси деб қарайсиз. Лекин бу аёлни қора курсигача етаклаб келган воқеалар ичига чуқурроқ кирган сайин ҳайфингиз келади. Гап шундаки, Севара Алимуҳаммедова бир эмас, икки эмас, беш нафар ўқувчиларни доимий ҳадик ва тазйиқда ушлаб келган. Коллежнинг иккинчи босқичида таълим олаётган Султон, Илёс, Қодир, Абдурахим, Аҳмад исми ўсмирларни гоҳ сочини ўстиргани, гоҳ коллеж формасини киймасдан келгани, гоҳ озгина кечиккани учун дарсларга киритмаган. Натижада бу ўқувчиларнинг давомати пасайиб кетган. Боз устига, Алимуҳаммедова шахсан ўз ташаббуси билан ташкил этган “қора рўйхат”га номлари тушган бу ўқувчиларни:

– Агар аҳвол шундай давом этса, сизларнинг фамилияларингизни керакли жойга ёзиб бераман. Қайта им-

тихон топширасизлар. Саволлари жуда мураккаб, сизлар ҳозирги саводларинг билан бу имтиҳонлардан ўта олмайсизлар, курсда қоласизлар. Ҳатто, диплом олишларингга ҳам ишонч йўқ, – дея ваҳимага туширади. Курсда қолса ё диплом ололмаса, ота-онасидан дакки эшитиш, бунинг устига кейинги тақдири қил устида бўлиб қолиши мумкинлигидан чўчиган болалар муаллимларининг таклифларига қарши боролмайдилар. Бири:

– Менинг отам – бетоб, топганимиз дори-дармонга сарф бўляпти, – деса, бошқаси:

– Менинг ишим терговда эди, дарсга тўлиқ қатнаша олмаганимга сабабим бор, – дея озми-кўпми ичидаги норозилиklarини ифодаласалар ҳам, ҳеч бири:

– Сиз қандай ўқитувчи бўлдингизки, хатойимизни тузатиш учун янаям ёмонроқ хатони такиф қиляпсиз, – дея олишмади. Алимуҳаммедова эса уларнинг бу вазиятидан фойдаланиб, қолдирган дарслари, топширмаган имтиҳон, синовларини тўғрилаш учун пул сўради. У шунчаки сўраб қўя қолмай, ўз жиноятининг баҳосини ҳам айтган эди.

– Мен бунақа пул бера олмайман, иложи йўқ, – деган ўқувчисига ҳатто гул кўчати, машина ювадиган латта (пастликни қаранг), ҳавони ғуборлардан тозаловчи восита келтиришни буюради. “Гуноҳкор” ўсмирлар бири телефонини сотиб, яна бири тушлик учун ота-онаси берган пулни йиғиб Алимуҳаммедовага айтилган даражада бўлмаса-да, берирок ҳажмдаги пулларни келтириб беришади.

Лекин ҳар қандай жиноятга жазо борилиги муқаррар бўлганидек, “устоз” номига номуносиб иш қилган, аёл, она шаънига доғ туширган бу кимса ҳам 2018 йилнинг 25 апрелида ҳибсга олинди ва жорий йилнинг 3 августида суд қилинди.

Аслида бу жиноятнинг жазоси у қадар енгил эмас. Лекин пора сифатида олди-бердида қўлланилган пуллар ўз эгаларига тўла қайтарилганлиги, яъни зарар қопланганлиги, яшаш жойидан берилаган ижобий тавсифнома, қарамоғида хаста онаси, вояга етмаган фарзандлари борлиги боис Алимуҳаммедовага икки йилу саккиз ой озодликни чеклаш жазоси белгиланди. Алимуҳаммедова бу давр ичида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлай олмайди. У кеча-кундузнинг муайян вақти (соат 22:00 дан эрталабки 6:00 гача) уйдан чиқмаслик, интернетдан фойдаланмаслик каби қатор чекловларга ҳам қатъий риоя қилиши шарт.

... Кечагина институтни тугатиб: “Бир синф ўғил-қизларга дўст бўламан, уларга ўргатувчи бўламан”, деган ойдин орзулар билан иш бошлаган эди. “Онам бетоб эди, икки нафар фарзандни ёлғиз катта қилаётган эдим, пул керак эди”, деган баҳоналар унинг жиноятини оқлай олмайди. Чунки устоз фақат билим берувчи эмас, у ҳалоллиги, тўғрилиги, талабчанлиги билан ўз шогирдларига ибрат бўлмоғи керак. Хато қилинди. Унинг юзи қаролиги, изтироблари Алимуҳаммедовани бир умр таъқиб этмайди, деб ҳеч ким айта олмайди. Шу покиза йўл, эзгу йўлдаги бошқа маърифатчилар бу воқеадан керакли хулоса чиқаради, деб умид қиламиз.

Қудратилло АМАТАХУНОВ,  
Шайхонтохур туман  
жиноят ишлари бўйича суд раиси.

# Бешигимдан Бошланган Йўлак



Бир қарасанг, таржима борасида жон куйдиргувчи, бир қарасанг юраги ёниб шеърлар битгувчи, бир қарасанг ҳуқуқ-шунослик борасида дунё эътирофига сазовор мулоҳазаларини тақдим этгувчи дилкаш дўстимиз Дилсора ФОЗИЛОВАни бугун юртдошларимизнинг кўпчилиги жуда яхши танийди. Канадада яшаб ижод қилаётган, илмий тадқиқотлар олиб бораётган бу дилбар аёл билан суҳбатлашиш жуда мароқли кечди.

– “Мусофир бўлиб яшаида жонсараклик бор, тинмай ортга боқиш, тинмай Ватанга йўл излаш...” – деб ёзгансиз “Ватанга йўл” деб номланган бадиянғизда...

– Она юртга келиб-кетиш машаққатлари суяккача етган узоқ йиллардан кейин, 2017 йилнинг ўрталаридан бошлаб Ўзбекистондаги бир неча университетлардан, ҳамкасбларимиздан бирга илмий фаолият юритиш тўғрисида таклифлар келиб туша бошлади. Имкониятларим чегараланган бўлишига қарамай, таклифлардан жуда қувондим. 2018 йилнинг май ойида Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига боришга имкон бўлмаганидан афсусда эдим. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан ўтказилган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти ни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги биринчи халқаро конференцияга таклиф этилганимдан ва иштирок этиш имкони топилганидан мамнун бўлдим.

Бу сафарги Тошкентга ташрифим таассуротлари ўзгача бўлди. Кўзларимда қувонч ёшлари билан беихтиёр “ўзингга шукур” деб юбордим.

– Ҳа, бизда кейинги икки йил ичида халқаро миқёсдаги кўлаб анжуманлар ўтказилмоқда. Лекин сиз иштирок этган адабиёт доирасидаги илк йирик конференция эди. Таассуротларингиз билан ўртоқлашсангиз...

– Ўзбекистон Республикаси Президенти табригидаги ҳар бир сўз, ҳар бир кўтарилган масала давлат раҳбарининг адабиётни чуқур билиши ва ундаги муаммоларнинг илдизини яхши ҳис этишини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда мамлакатда ўзбек миллий адабиётини ривожлантириш, ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган эътибордан хурсанд бўлдим.

Таржима юқори савияда бўлиши учун чет тилини биладиган ўзбек таржимони ва ўзбек тилини

биладиган хорижий таржимон биргаликда фаолият кўрсатмоғи лозим. Чет тилларга ўғирилган асарларни юртимиздан ташқарида тарғибот қилиш учун мен сингари хорижда фаолият юритаётган ватандошлар, университетлар, маданий марказлар ва кутубхоналар билан дипломатик муносабатлар, алоқалар олиб борилиши зарур. Мен Канадага қайтгач, бир неча кутубхоналар билан алоқа ўрнатишга ва ўзбек адабиёти дурдоналарини шу кутубхоналарда китобхон учун сақланишини йўлга қўйишга ҳаракат қиламан.

– “Тўқилар бармогим ораларидан сенга беролмаган ою кунларим”, – деб ёзгансиз бир шеърингизда. Кўп сатрларингизда юрт соғинчи, она дийдо-рига ташналик биринчи ўринда туради.

– Мен Бухоронинг Адоқ, яъни Дарёбўйи қишлоғида туғилганман. Дадам уруш йилларида Россиядан эвакуация қилинган экан. Буни қарангки, ўзбек қизини севиб қолади. Болалигимнинг ҳар бир саҳифасида уларнинг бир-бирига бўлган самимий муҳаббатини ифодалагувчи чизгилар бор. Оилада 7 та фарзандимиз, 5 та ўғил, 2 та қиз. Акаларим, опа-сингилларимнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнига эга, меҳнаткаш инсонлар эканлиги билан фахрланаман. Уларнинг ҳеч бири менчалик онам қалбига соғинч изтиробларини солмаган бўлса керак. Онажоним бу йил 70 ёшни қарши олдилар.

Улар бир умр менинг йўлларимга интизор бўлиб ўтдилар. Онамни ўйлашим билан ўз-ўзидан мижжаларимга ёш, қалбимга эса мисрадар қуйилиб келади. 2017 йилда нашр этилган “Қоядаги қиз” деб номланган китобимнинг биринчи саҳифасига шундай деб ёзганман: “Бахтимдан қувонган, гамимдан юраги эзилган, омадим чопганда фаҳрга тўлган, хатоларимни кечирган, меҳнаткаш ва матонатли бўлишга ўргатган, ҳеч қачон мени севишдан, соғинишдан ва дуо қилишдан тўхтамаган... Бу китобимни умримнинг энг муқаддас саждагоҳи онам Майрам Ёқубовага бағишлайман”.



**– Мактабда олинган сабоқлар ҳар биримизнинг келажак ҳаётимизда пойдевор вазифасини ўтайди. Ҳозир ҳам ўзингиз ўқиган мактабга бориб турасизми?**

– Қачон Бухорога борсам, албатта, ўзим ўқиган мактабга кираман. Мана бу йил мактабдошларим билан бирга кутубхонани қайта тикладик, қишлоғимизнинг энг аълочи болаларига ўз номимдан стипендиялар ажратганман. Янги китобимнинг тақдироти ҳам ўзим ўқиган мактабда бўлиб ўтди. Бугун мен қандай ютуқларга эришадиган бўлсам, мактабимиздаги оддийгина, лекин билими кучли ўқитувчиларим туфайли эришяпман. Айниқса, адабиёт фани ўқитувчиси Зухра Ҳамроевнинг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати ёдимда қолган. Луқмон Раупов деган ўқитувчимиз мени биология фанидан тайёрлаб, вилоят олимпиадасигача олиб борган. Фурсатдан фойдаланиб барча устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Шунинг билан бирга айни пайтда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан халқ таълимига, устозларга жуда катта эътибор қаратилаётганидан хурсандман.

**– Оилани мустақамлаш учун нималар қилиш лозим деб ўйлайсиз? Фарзанд тарбиялашда ўзига хос қандай мезонларингиз бор?**

– Дастлаб Канадага борган пайтларимда ҳаётимни бир изга солиш жуда оғир кечган. Болаларимни яхшилаб таъминлаш учун 3 та ташкилотда ишлаганман. Кечалари ухламай буюртма қилинган материалларни ёзиб чиқар эдим. Шу боис болаларим билан тузукроқ гаплашишга ҳам вақт ажрата олмас эдим. Ва бунинг учун ўзимни гуноҳкор сезиб изтироб чеккан оналарим бўлган. Бироқ вақт топилди дегунича тансиқ таом ва мазали пишириклар тайёрлаб уларни хурсанд қилишга ҳаракат қилар эдим. Менга ёрдам бериш учун иккала ўғлим ҳам 14-15 ёшдан ишлаб бошлади. Шунинг учунми меҳнаткаш ва ўз фикрига эга йигитлар бўлиб вояга етишди. Тарбиядаги асосий усулларимдан бири болаларга ҳеч бир тушунчани зўрлаб сингдирмайман. Уларни иложи борича эркин фикрлайдиган, мустақил қадам ташлайдиган инсонлар сафида кўргим келади.



Узоқ йиллар ёлғиз она сифатида турмушнинг юкини бир ўзим кўтардим. 2013 йилда эса мени тушунадиган ва қадрлайдиган инсонга турмушга чиқдим. Ҳозир София исми ширингина қизчамиз ҳам бор. Дастлаб турмуш ўртоғим таом тайёрлаб уни дастурхонга тортишимга қадар менга кўмаклашар эди. Ҳозир эса сиз тайёрлаган таомлар бошқача, ўзингиз тайёрланг ҳаммасини, деб дастурхон тепасида кутиб ўтирадиган бўлиб қолган.

**– Айни пайтда Британия Колумбияси университетидо докторант сифатида изланишлар олиб боряпсиз, маърузалар ўқияпсиз. Бир ўзбек аёли ана шу маррада тургани биз учун ҳам фахрли. Ҳуқуқшунос сифатида юртимиз хотин-қизлари учун яратиб берилаётган имкониятларга қандай баҳо берасиз?**

– Яқинда ижтимоий тармоқда Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси Танзила Норбоева оилавий зўравонликка қарши қонун лойиҳаси ишлаб чиқиладигани ҳақида ёзибдилар. Бу чиндан ҳам узоқ кутилган лойиҳа эди. Аёли илм ўрганган, қадрланган юрдагина юксалиш бўлади. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишларда барча хотин-қизлар бирдек иштирок этишимиз керак. Ҳаётдан завқланиб яшаган аёлнинг атрофдагиларга фойдаси кўп тегади. Шу боис улар руҳиятини кўтаришимиз, ҳимоясини кучайтиришимиз керак. Ана шу жараёнда “Саодат” журнали хотин-қизларнинг қизгин мунозаралари кечадиган ишончли минбарига айланишини истайман.

Биласизми, мен ўзим юртимнинг қаерида кемтик жойи бўлса, ўша жойига сингиб кетгим келади. Масалан, яқинда фуқаролик тўғрисидаги қонунларни кўздан кечирдим. Ушбу қонунларга қўшимча бандлар киритилиши лозим деб ўйлайман. Бу мавзудаги мулоҳазаларимни ҳам сизларнинг журналингизга тақдим этиш ниятим бор. Айни пайтда янгиликлар ва ташаббуслар тез кўриб чиқилиб, қисқа фурсатларда жорий қилиниши керак бўлган даврда яшайпмиз. Ушбу масъулиятни барча юрдошларимиз бирдек ҳис қилишларини истайман.

Сўхбатимизга хулоса ўрнида мана бу шеъримни ўқиб берсам:

*Нечун сизнинг қаҳрингиз қаттиқ?  
Кўзларимга тўлди қум, чанглар.  
Елкам яғир, кавушим йиртиқ.  
Мени ватангадо деманглар.*

*Олисдаги садо деб айтинг,  
Эл меҳрига гадо деб айтинг,  
Ҳижронидо адо деб айтинг,  
Мени ватангадо деманглар.*

*Бешигимдан бошланган йўлак,  
Қайга етса, кетдим жонсарак,  
Аммо қолди ортимда юрак,  
Мени ватангадо деманглар.*

*Киндик қоним тўкилган замин,  
Лойкўчада қолди изларим,  
Шу заминга қайтурман бир кун,  
Мени ватангадо деманглар.*

**Зухра МЕЛИБОЕВА**  
сўхбатлашди.

# Дарди борнинг кўнглида шикъ бор...



– Қайбир даврага юзланиб, фильмлар ҳақида гап бошланг, суҳбатдошлар бугунги кун ўзбек киносининг муаммолари ҳақида сўзлай бошлайди...

– Аксарият фильмларимиз бизнес учун йўл-йўлакай суратга олинапти. Зукко томошабинни ҳеч қачон алдай олмайсиз. Чунки турмуш ташвишларидан толиққан инсон қалб эҳтиёжи олдида ҳамма бемаъни истак-хоҳишлар ўткинчи ва фойдасиз эканлигини англаган бўлади. Ва бу инсон ҳаётнинг чақиртиканак йўлларидаги изтиробларни, қувончу шодликларни борича ҳис қилгиси келади. Юрагини тирнаган ранжу аламлардан мосуво бўлиб, тўйиб-тўйиб йиғлагиси келади... Ҳақиқий санъатнинг вазифаси шу: киши қалбидаги туйғуларни тириктиради, уларни ҳаракатга келтиради. Шундай экан, кино санъати учун ажратилаётган маблағларни арзийдиган мавзудаги фильм ва сериалларга сарфлашимиз зарур деб ўйлайман. Томошабинларимиз фақат корейс, ҳинд ва турк сериалларини эмас, ўзбек сериалларини ҳам мазза қилиб кўришса, қанийди. Нима учун айни пайтдаги фильмларимиз профессионал ижодкорлар томонидан қатъий назоратга олинмапти? Қани томошадан излаган асарлар, биз актёрлар истаган илҳом кенгликлари?..

– **Фильмларда ва кўрсатувларда камнамо эканлигингиздан маълумки, сценарий ва образлар танлашда ҳамиша олдингизга катта мақсадларни қўйиб ёндашасиз...**

– Ҳар бир ижодкорнинг ўз олами бўлади. У сиз билан ёнма-ён турган бўлса-да, аслида ўша оламда яшайди. Айтайлик, мен “Юлдузли тунлар” романи-

“Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайридир”. Абдулла Қодирийнинг ушбу сўзларини кўп бора такрорлайман. Тарихий асарларни кўп мутолаа қилганим боис ўзим ҳам бир неча асрлар кўзгусидан туриб ҳозирги ҳаётимизни томоша қилаётган сайёҳга ўхшайман, гўё...”

Дилором ЭГАМБЕРДИЕВА талабчан ва изланувчан актриса. Ўз оламига эга бу ижодкорнинг муҳим ҳаётий мезонлари бор. Шу боис суҳбатимиз ҳам бироз сокин бўлса-да, кўнглимиз айвонига биз қўмсаган самимият шуъласини олиб кира олди. Суҳбат саҳнасидаги ҳар бир ҳолат ва кескин мулоҳазалар қанотида севимли фильмимизни яна бир бора томоша қилгандек ҳаяжонга тушдик.

даги макон ва руҳият оламига тушиб қоламан кўпинча... Шу ўринда бир мулоҳазали саволни ўртага ташламоқчиман, нима учун режиссёрларимиз тайёр ижод ва илҳом манбаидан – ўзбек адабиётининг нодир намуналаридан фойдаланишмайди? Дейлик, мен мактабда ўқиб юрган чоғларимда Саид Аҳмадининг “Қирқ беш кун” деб номланган романини бағримга босиб юрардим. Ана сизга образлар, ҳолатлар ва муносабатлар тўқнашуви... Биринчи марта шу асарни ўқий бошлаганимда уни тугатмагунимча қўлимдан қўймаганман. Онам толиқиб қолмасин деб чироқни ўчириб қўйсалар, ҳовлимизга чиқиб кўшнимизнинг чироғи тушиб турган девор ортида тик оёқда туриб мутолаа қилганман. Нега шундай асарларимизни суратга олиш ҳақида режиссёрларимиз ўйлаб кўришмайди? Яхши сценарий йўқ деган режиссёрнинг асл ижодкорлигига мен ишонмайман. Менимча, улар ниҳоятда кам китоб ўқишади. Китоб ўқиган ижодкор пойдевори мустаҳкам асарларга қўл уради.

– **“Юлдузингни бер, осмон!” фильмида сиз роль ижро этмагансиз...**

– Нима учун ижро этмаганман?..

– **Чунки ҳаётнинг ўнқир-чўнқир йўлларидаги фожиаларни, ширин изтиробларни қалбдан ҳис қилишга ва ҳар қандай машаққат олдида мағрур туришга чорлагансиз томошабинни...**

– Чиндан ҳам мен бу образимга юрагимни берганман. Ушбу фильм сўнгидаги лавҳа суратга олиш жараёни аввалида ишланган. Ҳали кўшиқлар ва ҳолатлар тайёр эмас, нима қилишимни билмай қолганман. Ва ана шу лаҳзаларда партнёримга қараб туриб

ўзим учун армон бўлиб қолган инсонни кўз олдимга келтириб вазиятдан чиқиб кетганман. Биласизми, яхши фильмлар бежиз сизнинг қалбингизга кириб бормайди. Уларда хиёнат ҳам, садоқат ҳам, муҳаббат ҳам асл ҳолича намоён бўлади. Сиз ўша оламда яшай бошлайсиз. Томошабин истаган ҳақиқат ҳам шу эмасми?..

**– Шу ўринда кино оламига кириб келишингиз билан боғлиқ воқеаларга тўхталсак...**

– Эҳ, у пайтлар қанчалар гўзал ва бегубор дамлар эди... Мен Фаргона шаҳридаги 10-мактабда ўқирдим. Орзулар оламида яшаётган хаёлараст қиз эдим. Уша пайтда синфимизга рус тили ва адабиётидан дарс бериш учун сочлари узун чиройли ўқитувчи келган. Гулнара Маъруфова (ҳозирги кунда устозим Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари лавозимида фаолият олиб бормоқда) нафақат дарс берарди, балки дарсдан ташқари ҳам менинг барча саволларимга жавоб беришга ҳаракат қиларди. Ўқитувчимни лол қолдириш учун ҳар куни бир янгилик топиб келишга ҳаракат қилар эдим. Бир куни бўлажак актёрларни Москвага ўқишга жўнатишаётгани ҳақидаги хабарни эшитиб қолдим. Менинг ошиқиб-тошиқиб сўзлашимни, ҳаяжонимни кўрган ўқитувчим шунақа хурсанд бўлган. “Кино оламига қизиқишинг шунчаки эмаслиги шундоқ кўриниб турибди, кучинг етганича ҳаракат қилавер, орзуларинг армон бўлиб қолмасин”, дея мени жасоратли бўлишга ундаган. Эндигина 9-синфда ўқияпсан, ҳали ёшсан, деганларида, балки мендаги иштиёқ сўниб қолган бўлармиди... Таваккал қилиб ҳужжатларимни топширдим. Ва ниҳоят июнь ойида имтиҳон бошланди. Дадам билан бирга поездга ўтириб Тошкентга йўл олдик. У дамардаги ҳаяжонларимни бир кўрсангиз эди. Пойтахтга келиб, телевизорда кўрган кўчаларимдан юриб борар эдим-да, ахир... Имтиҳонга келган бир-бирдан чиройли йигит-қизларни кўриб жуда ҳайратланганман. Яна уларнинг аксарияти Ҳамза Умаров, Ботир Зокиров, Тўғон Режаметов, Ойдин Норбоевалар каби таниқли актёрларнинг фарзандлари эди. Мен эса ҳали мактаб формасидаги қорамғиздан келган қизчаман, сочларимни майда қилиб ўриб олганман. Ўсмани шунақа қалин қилиб қўйганман. Битта ўринга 500 тадан абитуриент тўғри келишини эшитиб ҳам кўрқмаганман.

Буни қарангки, суҳбатдан сўнг имтиҳон қоғозига қарасам, менга 3 та беш баҳо қўйишган экан. Қувончимнинг чеки йўқ эди. Дадам қўлимдан етаклаб халқ таълими вазирлигидан рухсат олиш учун бир улкан бинога олиб борганлари эсимда. Уша пайтдаги вазир Шермухаммедов мени самимий қарши олганидан, уларнинг нузли чехрасини кўриб, Ҳизр бувани учратдим, деб ўйлаганман. Дарров: “Эй худо, институтга кириб кетай, машҳур актриса бўп кетай, илоҳим”, – деб ният қилиб юборганман. У киши шунақа завқ билан кулиб юборган ва “Сен, албатта, зўр актриса бўласан ва бизни эслаб юрасан, қизим!” – деган.

**– Бутуниттифоқ кинематография институтининг ёш ўзбек талабасига ота-онасидан узоқда, Москвада таълим олиш осон бўлмагандир...**

– Гуруҳимизда 15 та талаба эдик. Раҳбаримиз СССР халқ артисти Борис Петрович Черков ҳам, курсдошларим ҳам кичкина бўганим учун мени

ниҳоятда авайлашган. Сергей Бондарчук, Вячеслав Тихонов, Олег Даллар дарсга киришганида ҳали жудаям кўп изланишим зарурлигини ҳис қилганман. Уларнинг ўзига хос тилда, ўзига хос услубда маъруза ўқишлари мени янада кўпроқ изланишга ундаган.

**– Дилором опа, “Келинлар кўзголови” фильмидаги Нигора образи сизни мухлисларга танитди, десак адашмаган бўламиз. Ушбу фильмни тасвирга олиш жараёни қандай кечган? Президентимиз Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятидаги учрашувда: “Кинотеатрга бориб, “Келинлар кўзголови”ни 10 мартадан кўринглар”, – дея бежиз таъкидламади. Ушбу фильмда миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз ўзгача ифодаланган. Шундай эмасми?**

– Чиндан ҳам Нигора образи мен учун қадри. Гарчи талабалик чоғимда ҳам кўплаб ролларни ижро этган бўлсам-да, Нигора образи мени халққа танитди. Фармонбинининг ҳар бир сўзи, хатти-ҳаракати замирида жуда катта оилавий муаммоларимиз, йўқотишларимизга жавоб бор. Афсуски, фильмдаги кўп сахналар қисқариб кетган. Айниқса, фильм сўнгида Фармонбинининг болалари ёнига қайтиб: “Мен ҳокимият билан гаплашдим. Ҳар бирингизга алоҳида уй бериладиган бўлди”, – дея таъкидлаган гаплари бекор кесиб ташланган. Ана шу жойини қайтадан фильмга киритиш керак, деб ўйлайман.

Фильм премьерасида ёзувчи Саид Аҳмад қатнашган. Шунча ҳаракат қилсам-да, салобати босиб ёнларига кела олмаганман ўшанда. Ахир мен бу ёзувчини кўриб, суҳбатлашишни болалигимдан ниҳоятда орзу қилганман.

**– Дилором опа, суҳбатимиз асносида сиздаги виқор ва юксак руҳиятни сездим. Агар Бибиixonим ёки Нодирабегим образига таклиф қилишса рози бўлармидингиз?**

– Албатта. Мен ҳаминша тарихий асарларимиздаги виқорли, жасур ва фидойи ўзбек аёли образини ижро этишни орзу қиламан. Айниқса, Бибиixonим образи, бу аёлнинг ҳаёт синовларига қарши турган улкан иродаси, ақлу идроки мени ўзига мафтун этган. Нодирабегим ва Бибиixonим образлари шундай мураккаб руҳиятга эгаки, бу аёллар ҳақида ўйлаганимда юрагидаги дарди бўғзига қадалиб туриб ҳам ҳар қандай машаққатларга бардош берган, мардонвор қадам ташлаган аёллар кўз ўнгимда гавдаланади. Табиатан аёл киши ожиз яратилган бўлишига қарамай, улар қайсидир қисмат синовларида заифа эканлигини унутиб, буюк бир шахс сифатида яшаш лозимлигини англаб етишган.

**...Суҳбатдошимнинг кўзларидаги дард, ҳар бир муносабатга ёндашувидаги нигоҳлар ёлқини, баъзи бир саволларга сукут билан жавоб бериши... Афсуски, буларнинг барчасини сўз билан ифодалаш жуда мушкул. Энг муҳими, ёнимда ўтирган ижодкор машаққатли ҳаёт синовларидан ҳикмат ахтаради, саволларга эса бировлардан эмас, ўзидан жавоб излайди. Демак, биз кутган образлар орзуларимизда қолиб кетмайди. Чунки чинакам санъат ва унинг жони бўлган образлар Дилором Эгамбердиева каби ўша оламнинг ўз кишиси бўлган киноактёр, киноактрисаларнинг қалб ҳароратидан яратилади.**

Мухтасар ТОЖИМАМАНОВА суҳбатлашди.

# Бедорлик – муваффақият каролати



Истиқлол йилларида, айниқса, кейинги икки йилда тадбиркорлар юртимиз ривожига ҳисса қўшиб келаётган барча соҳа ходимлари каби алоҳида қатлам сифатида шакландилар. Уларнинг жамият тараққиётида умумий улуши, умумий муваффақиятлари борлиги аниқ. Лекин барибир бу оқимда ҳар тадбиркор ўзига хос ўрин эгаллаганки, улар орасида фарғоналик Шаҳноза ҒАНИЕВАнинг ҳам эътирофга арзирли ишлари бор.

Унинг шижоати ва ташаббускорлигини бугун нафақат Фарғона вилоятида, балки олтин водийнинг барча гўшаларида намуна қилиб кўрсатишмоқда. Республикада ўтказилган “Йил аёли-2017” миллий танловида Шаҳнозахон олий ўрин – Гран-при соҳибаси бўлди.

– Тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимда эндигина йигирма бир ёшда эдим, – дея сўз бошлади суҳбатдошим. – Ўша пайтларни ҳозирги кун билан таққосласам, қанча қийинчиликларни енгиб ўтган эканмиз. Ўтган йиллар давомида орзуларнинг амалга ошишида инсонга атрофидагиларнинг мадади жуда муҳим эканлигини англаб етдим. Оилам, турмуш ўртоғим, қайнона-қайнотам, ота-онам, барча яқинларим менга ҳамиша далда бўлишди.

Агар аёл пазанда, рўзгор ишларида моҳир бўлса, албатта, ўша уйда тинчлик, барака, ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлади. Бу – оддий ҳаётий ҳақиқат. Йиллар давомида ўзим пазандачилик билан шуғулланиб келган эдим, ҳунаримни хотин-қизларга, уй бекаларига ўргатиш мақсадида тадбиркорликка қўл урдим.

Дастлаб иш бошлаган йилларимда ўзим ҳам раҳбар, ҳам мураббий, ҳам ҳисобчи вазифасини бажарганман.

Бугун доврқли тадбиркорлар сафида тилга олинаётган Шаҳнозахон тадбиркорликнинг дастлабки пайтларини шундай эслайди.

У иш бошлаган муассасада аввалига мослаштирилган бинода 5 та йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил қилинган. Кейинчалик ТИФ “Миллий банк”нинг Фарғона вилояти бўлимидан олинган имтиёзли кредит эвазига барча қулайликларга эга бўлган бино қурилиб, фаолияти кенгайтирилди. Ҳозирда эса фарғоналик опа-

сингилларимиз “Ибратли бекам” ўқув марказида чеварчилик, пазандачилик, оила ҳамшираси, жаҳон таомлари, саргарошлик, карвинг-мева сабзавотлардан гул ясаш каби 20 дан ортиқ турли йўналишларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлишди.

Суҳбатимиз давомида Шаҳнозахонни йўқлаб келувчилар жуда кўп бўлди. Бир онахоннинг ўгли давлат шартномаси билан март ойида чет мамлакатлардан бирига кетаётган экан. Миллий таомларимизни ўрганиб олиш мақсадида онаси билан ўқув марказига ташриф буюрибди.

Ҳа, кун кеч бўлиб қолишига қарамасдан “Ибратли бекам” да ҳаёт қайнайди. Уқалаш курси ўқув машғулотларидан қайтаётган Гулнора Қулиевани тинглаймиз:

– Ёшим 46 ёшда. Икки нафар қизим ҳам ўқув марказида ўқиб, аёл учун оилада зарур бўлган барча ҳунарни ўрганишди. Энди ўзим ҳам келиб қизиққан нарсаларимни ўрганипман. Қатталар айтишади-ку, эзгуликнинг эрта-кечи йўқ деб. Набираларим ҳар томонлама соғлом камол топишлари учун ҳаракат қиляпмиз. Ҳар куни онажонимнинг хизматларини қилиб, дуоларини оляпман.

“Ибратли бекам”нинг Марғилон филиали шаҳарнинг Бурҳониддин Марғиноний кўчасида фаолият юритмоқда. Ўқув муассасасида сабоқ олаётганлар ўқиш билан бирга оилавий ҳаётга пухта тайёрланади. Демак, муассаса фақат касб-ҳунар



ўргатувчи эмас, оилаларнинг мустаҳкам бўлишига ҳисса қўшиб келаётган маскан сифатида жамиятимиз учун қадрлидир.

Шаҳноза Ғаниева Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик

партияси Фарғона вилояти кенгашидаги “Аёллар қаноти”нинг раҳбари сифатида ҳам юртимизнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этади. “Либос – маданият кўзгуси”, “Аёл – дин ва маданият” конференцияларида миллий матодан тикилган либослари билан иштирок этиб, маънавий ҳаётимизда миллий руҳнинг юксалишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Фарғона вилоятининг “Рухсор” телерадиоканали орқали эфирга узатиладиган “Бекажон” кўрсатувининг ташкилотчиси сифатида ҳам бир неча йиллардан буён ижодий фаолият олиб бормоқда. Бу кўрсатув фойдали маслаҳатлари, пазандаликнинг сир-асрорларини ўргатиши билан ўзининг кўп минг сонли томошабинларига эга. Бир неча бор республикада ўтказилган ижодий танловларда совринли ўринларни қўлга киритган. Сиёсий партиялар ўртасида ўтказилган “Энг адолатли Аёл” кўрик-танловида фахрли биринчи ўринга сазовор бўлди. 2017 йил якунига кўра Фарғона вилоятида “Энг фаол тадбиркор Аёл”, деб топилди.

– Меҳнатга бўлган муҳаббат ота-онамиздан бизга мерос, десам адашмаган бўламан. Чин юракдан қилинган ҳаракат вақти-соати етиб ўз натижасини кўрсатади. Бугун бошлаган ишларинг ўхшамай қолса, асло ташлаб қўйманглار. Ҳаракат, ҳаракат, яна ҳаракат қилинса, ўйлаганингдек натижа беради, деб отажоним доим такрорлаб турадилар. Тақдиримга доим шукрона келтириб яшайман. Ибратли оилга келин бўлиб тушганман. Бошида турмуш ўртоғим ишлашимга рози бўлишмаган.

– Эртага болаларининг келажаги учун ҳам аёл жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши керак. Чунки болалар ота-онадан андоза олишади. Қарагин, Шаҳнозанинг ғайрати ичига сиғмаяпти, имкон берайлик, инсонларга манфаати тегсин, кўнглидаги нақшлари ўзи билан қолиб кетмасин, – деб қайнотам фотиҳа берганлар. Биз оилада икки қизмиз. Синглим Дилноза ёнимда, у ҳам катта бир оиланинг бекаси. Қатор-қатор фарзандларнинг онаси. Синглимга бўлган меҳримни сўзларим билан ифодалашга ожизман, – дея Шаҳнозанинг кўзларида меҳр ёши қалқиди.

Ҳар йил сергайрат тадбиркорнинг фақат қўлларини эмас, йўлларини ҳам

узайтиряпти. 2018 йилнинг январь ойида Латвияда бўлиб ўтган “Балтур-2018” туризмни ривожлантириш мақсадида ташкил этилган ярмаркада иштирок этиб қайтди.

– Олган таассуротларим ва тажрибаларим асосида “Аристократ” ресторани ташкил этилди. Ўқув маркази раҳбари сифатида иш бошлаган бўлсам, эндиликда тадбиркорликнинг бешта йўналишида иш олиб боряпман. Ишлаб чиқарган маҳсулотларимизнинг самарали савдоси йўлга қўйилди.

Асосий мақсадим 2018 – Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида фаолиятимда бундан-да юксак марраларни қўлга киритиш. Муҳтарам Президентимизнинг биз тадбиркорларга яратиб берган шарт-шароитларидан руҳланиб, янги лойиҳам асосида қурилаётган маиший хизмат кўрсатиш комплекси ишга тушди. Бу лойиҳамнинг асосий мақсади ўзимизда ҳунар эгаллаган хотин-қизларни иш билан таъминлашдан иборат. Ҳозир беш қаватли мухташам бинода юздан ортиқ фарғоналик аёллар иш билан таъминланди.

Жамоамиз билан юрт тинчлиги, ҳалқимиз фаровонлиги йўлида меҳнат қилиб чарчамаймиз...

Албатта, меҳнат муваффақияти инсонга куч-қувват бахш этади. У етиб келган баландлигидан янги юксакликларга интила бошлайди. Лекин бу айтишга осон. Аслида тадбиркорлик, айниқса, кенг қамровли тадбиркорликни бугунгидай шиддатли рақобатлар майдонида бошқариш катта юрак, аниқ ҳисоб-китобни талаб этади. Ўтган йиллар Шаҳноза Ғаниевани чархлаб, тоблагандек, келажак йиллар ҳам унга осон турмушни ваъда этмайди. Майи-да, яратиш, бунёдкорлик майдонида тикка туришнинг ўзи шундай беҳаловат, беором ҳаётни талаб этади. Чарчаманг, Шаҳноза!

**Ўқтамхон СОЛИЕВА.**



# Синовларнинг сийлови

Аслида оила бўй йигитнинг балогатга етган қизга бўлган муҳаббатидан бошланади. Лекин муҳаббат билан қурилган оила ҳар доим ҳам мустаҳкам бўлавермайди. Уйни уй қилиш, эр-хотиннинг йиллар давомида бир-бирини тушуниб, бир тану жон бўлиб кетиши учун ҳар икки тарафга севги ва ишқдан ташқари фидойилик, кечиримлилик, бағрикенглик каби яна бир неча фазилатлар керак бўлади. Чунки ҳаёт имтиҳонларга тўла. Аввалига хурсандчилик ва бахтиёрлик манбаи бўлиб кўринган оила кези келганда муаммолар гирдобига ҳам ўхшаб кўриниши мумкин. Айниқса, Ватан ҳимоячиси бўлган ҳарбийлар билан бир оила бўлиб яшаш қанчалик шарафли бўлса, шунчалик машаққатли. Бу мавзу атрофидаги фикрларимизга яна ҳам ҳаётийлик баҳси этиш учун Тошкент ҳарбий округи ҳарбий хизматчиларининг оила аъзолари билан ишлаш бўйича етакчи мутахассис Дилбар ҲУСАНОВА билан суҳбатлашдик.



– Дилбар опа, ҳарбий хизматдаги инсон билан яшашнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор, дейишади. Ўзингиз ҳам умрингизни шу соҳага бағишлаган инсон билан ҳаёт йўларингизни болаган экансиз. Оз эмас, кўп эмас йигирма беш йил умргузаронлик қилибсиз. Шундай ҳаётни танлаганингиздан афсусда эмасмисиз?

– Турмуш ўртоғим оилада тўнғич фарзанд, мен эса кенжа қиз бўлганман. Турмуш ва тарбия борасида иккимизнинг қарашларимизда анча фарқ бор эди. Ҳарбийча ҳаёт эркаликларимни сабрга айлантирди. Ҳамиша оила бошлиғимизнинг қарорларини қўллаб-қувватлаганман. Йигирма тўрт соат давомида мудофаа билан боғлиқ ҳар қандай кутилмаган ҳолатларга жанговар шай турган инсон билан турмуш қуриш бу иккинчи даражали эътиборга, иккинчи даражали меҳрга рози бўлиш дегани. Бундан бир неча йиллар аввал соғлигимда муаммо бўлиб, жарроҳлик муолажасини ўтказгандим. Айнан шу пайтда Садриддин акамнинг иши Шерободга кўчадиган бўлиб қолди. Икки кунлик фурсатда фақат зарур буюмларимизни олиб, Сурхон-

дарёга қараб йўлга тушганмиз. Саломатлигим яхши эмас-ку, болаларимнинг мактаби нима бўлади, Тошкентда уйим бўлса, иссиқ ўрнимни совитиб нима қиламан, деган ўйлар ҳаёлимнинг бир чеккасига ҳам келмаган. Уларнинг иссиқ-совуғида бирга бўлишни ўзимнинг бурчим деб билганман. Бир сўз билан айтганда, ўзимиз кўчиб яшасак ҳам, элу юртга, оилага садоқатимиз муқимдир. Ва ҳеч қачон шундай инсон билан турмуш қурганимдан, айна дамда ўзим ҳам ҳарбийлар билан бир сафда хизмат қилаётганимдан афсусланмайман, аксинча, фахрланаман. Ватан ҳимоячилари шаънига баланд минбарлардан оқишлар янграганда болаларимнинг отасини кутиб ўтказган бедор тунларим безовталиклари, йўл азоблари эсимдан чиқиб кетади. Полковник Махсудиновнинг аёли бўлишни ўзим учун бахт деб биламан.

– Хотин-қизлар ҳамда ҳарбий хизматчиларнинг оилалари билан ишлаш бўйича кўп йиллик тажрибага эгасиз. Бу борада айтилиши керак бўлган хулосаларингиз ҳам бордир?

– Ватан посбонлари шу соҳани танлаётганида “Ўзбекистонни ҳимоя қилиш учун унинг ҳар қан-



УШБУ МАҚОЛА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА  
ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ КўМАГИДА ТАЙЁРЛАНДИ.  
ЛОЙИҲА НОМИ: “МАЪНАВИЯТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ”.

дай сарҳадларида хизмат қилишга тайёрман”, дея қасамд қабул қилишади. Иши сабаб яшаш жойларини тез-тез алмаштиришга мажбур бўлишади. Бу пайтда уларнинг фарзандлари ҳам таълим масканлари билан бирга дўстлари, устозларини ўзгартиришига тўғри келади. Бу осон эмаслигини биламан, аммо бундан ўн-ўн беш йиллар илгариги шароит билан қиёслаганда ҳозир бизнинг соҳа ҳаётида қувончли ўзгаришлар кўп. Ҳарбий хизматчилар жомадонини кўтариб қайси ҳудудга борса яшаш учун барча қулайликларга эга уйлар тайёр, боғчаси, мактаби, спорт заллари, майдончалари ёнларида, лекин барибир округимизга турмуш ўртоғининг иш жойи ўзгарганлигидан шикоят қилиб келаётган аёлларимиз талайгина. Улардан биров ранжийман ҳам. Илгарилари момоларимиз, оналаримиз Ватан ҳимоясига кетган ота-боболаримизни ойлаб, йиллаб садоқат билан кутишган. Биламан, ҳамма аёл ҳам турмуш ўртоғи, фарзандлари билан бир оила бўлиб, ўз уйида муқим яшагиси келади. Бироқ битта эмас, минглаб оилаларнинг тинчлиги учун қайғураётган ҳарбий инсоннинг жуфти бўлиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Бу Ватанни биргаликда ҳимоя қилиш дегани. Аслида шунинг ўзи бир бахт.

**– Балки, Ватан ҳимоячиларига жуфти ҳалол бўлиш учун алоҳида тарбия талаб қилинар?**

– Зобитлар, чегарачилар, умуман шу йўналишдаги йигитларга турмушга чиқаётган баъзи қизларимиз бўлажак умр йўлдошининг касби қай даражада масъулиятли эканини тўлиқ англамайди. Оила қураётган ҳар икки томон учун махсус

“Ҳарбий оила психологияси” курслари ташкил этилса, қизларимиз никоҳдан олдинги тиббий текширувлар қаторида “Ҳарбий хизматчи билан оила қуришга тайёرمىсиз?” мавзусида суҳбатдан ҳам ўтсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Бундан ташқари, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари, ҳарбий округлардаги оилалар билан ишлаш мутахассислари, оила илмий маркази ходимлари билан тез-тез дилдан маънавий суҳбатлар ўтказиш бўлажак ҳарбий оила бекалари учун катта аҳамият касб этишига ишонаман. Ҳарбий йигитларимизни эса “Темурбеклар мактаби”дан бошлаб оиллага тайёрлаш керак. Оиласини ҳимоя қилолган эркак мамлакатини ҳам ҳимоя қила олади.

**– Ҳарбийларимиз учун яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида яна ҳам кенгроқ тўхталсангиз...**

– Бугунги кунда улар учун яратилаётган имконият ва шарт-шароитлар ҳамманинг ҳавасини келтиради. Чунки ҳарбийлар ҳамиша давлатнинг ижтимоий ҳимоясида туради. Боя айтганимдай, иш жойи бошқа горнизонга кўчирилган хизматчи биринчи ўринда яшаш жойи билан, оила аъзолари эса ўқиш ва иш билан таъминланади. Бундан ташқари, турли имтиёзли кредитлар, сифатли тиббий хизматлар, айниқса, ҳарбийларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларига ажратилган квоталар уларга давлат миқёсида эътибор катта эканлигини далиллайди. Муносиб хизмат қилган ҳарбийларни автомашина билан таъминлаш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан махсус топшириқ ҳам берилган. Бундай имкониятлар замирида она Ватан посбонларига бўлган

эҳтиромни ҳис этамиз. Қалбимизда тинч заминимиз, улуғ мамлакатимизга сидқидилдан хизмат қилиш туйғулари жўш ураверади.

**– Дилбар Суярова, сиздаги барча гўзал туйғулар бир мақсад йўлида ёнингизда турган, она-сингил бўлиб кетган барча аёллар қалбида акс этишини истаймиз. Самимий суҳбат учун ташаккур!**

Лобар  
АБДУҚОДИРОВА



# ИПГА ЧИГАЛ ТУШСА, ИПАК ТЎҚИЛМАС

Нафсиламрини айтганда, бу дунёда шунча умр кўриб, яхши-ёмонга кўп бор дуч келган бўлсам-да, кимдир менга:

– Эр-хотин мурасага келмай қолди, бири икки фарзандининг кўзини мўлтиратиб, тугунини тугиб, “кетаман”, деса, иккинчиси: “Тўрт томонинг қибла”, деб турибди. Ростонбуви-жон, шу гўдаклар ҳақи, уйимга бориб, уларга оғир-енгилдан гапиринг, – деса, худди “ажралиш” деган совуқ сўзни биринчи бор эши-таётгандек сесканиб кетаман. “Талок” сўзидан Арш ларзага келади”, деган гап бежиз эмас экан-да, дейман.

Мана, бугун ҳам маҳалламизнинг энг иши кўп комиссияси – “Яраштирув комиссияси” таклифи-га биноан фаол аёллар йиғилган жойга йўл олар эканман, олдинги, ўтган кунги “қўйди-чиқди” билан боғлиқ можароларни эслайман.

Шикоятнинг аввалини қизнинг онаси бошлади:

– Калондимоғ қудамиз илк совчи бўлиб келганидаёқ “Тенг тенги билан”, деганман. Сизларнинг ота авлод, она авлодларинг муҳтожлик кўрмай ўтгансизлар. Катта-катта еб, катта гапиришга ўргангансизлар. Биз режали, етти ўйлаб, бир кесади-ган оиламиз, кейинчалик орада можаро чиқиши мумкин, дедим. Йўқ, қудамиз: – Қизингиз чиройли экан, невараларимнинг ҳусни тўкис бўлишини истайман, – деб очик айтди. Эр кишининг ҳусни фазилатида, ўзига тўқ хонадон, камлик кўрмайсан, деб куёвимнинг бўйи пастигию бадқовоқлигига қарамай узатдим. Ёқтирибми, ёқтирмайми уч йил турмуш қуришди: бир жуфт қоракўзга ота-она бўлишди. Аксига олиб, ўғли тоғаларига, қизи аммаларига тортди. Неварамнинг бурни пучук, лаби дўрдоқ бўлса, қизимда нима айб? Ўзининг ота қони “манаман” деб турибди. “Бу келиннинг қони заиф экан, чиройли қиз туғолмади, бошқа насл-насаби тозасига боламни уйлантираман”, деб қудамиз оёқ тираб турибди.

Мен: “Она-да, барибир қизининг тарафини олади”, деб қайнона бўлмишнинг олдига кирдим. Тавбангдан кетай, айб ўғлида эканлигини била туриб, келинини кўчага ҳайдаган она-қайнонани биринчи кўришим.



– Кейинги олган келинингиз парирўй бўлса-ю, у ҳам мана шу пучук неварангизга ўхшаган бола туғса-чи? Яна гўдакларнинг уволига қолаверасизми? – десам:

– Унда учинчи, тўртинчи марта уйланти-равераман. Биз еганимиз олдимизда, емаганимиз орқамизда яшаб келяпмиз, нима учун невараларимнинг ҳуснида қусур бўлиши керак? Улар нега балоғатга етганида одамларнинг ҳавасини эмас, раҳмини келтирадиган қизлар бўлиши керак? – дейди кўзимга тикка қараб.

Ич-ичимдан ғазабим қайнаб келса-да, “Шунча ёшни қаерда яшадингиз? Аёл деган ҳам шунақа нодон бўладими?” деган гапларни айтиб-айтиб ташлагим келса-да, вазифамни, яхши ниятда келганимни эслаб, ўзимни босдим:

– Эгачи, чин ҳусни инсоннинг сувратида эмас, сийратида бўлади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, гўзалликда якто бир ҳурлиқо рўпарангизга келиб, бир оғизгина кўнглингизни қолдирадиган гап айтса, чехрасидан чирой ёғилиб турса-да, қайта кўрдингиз келмайди. Сиз ўша невараларингизни шундай тарбия қилингики, одамлар унинг одоби, хушмуомаласи, ширин сўзи учун сизга, ўғлингиз, келиндингизга раҳматлар ёғдирсин, – дедим. Бисотим-да бор ривоятлу ҳикоятларни келтирдим.

Биринчи – бу: Эмишки, бир мамлакат шаҳзодасининг уйланиш вақти етиб, қиз танлагандан танлабди. Қирқ кокилли шаҳлокўз қиз ҳам, мовий кўзли, тиласоч гўзал ҳам унга маъқул келмабди. Ахийри, унга жуфт топишга масъул энагаси:

– Бироз айланиб, ёзилиб келайлик, – деб қишлоққа – ўз уруғлариникига олиб кетибди. Гапдан гап чиқиб аёл қариндоши кўшнисида ҳам узатиладиган қиз борлигини айтибди. Шаҳзодани эрмакка қизни кўришга чиқариб юборишибди. Чунки шунча сараланиб келган қизларни ёқтирмаган шаҳзодага тасодифий қиз ёқишига энага ҳам, қариндош аёл ҳам ишонмабди-да. Энага суҳбатга берилиб орадан анча вақт ўтганини сезмай қолибди.

– Намунча қолиб кетишди. Ишқилиб, тинчлик бўлсин! – дебди қариндош аёл. Шом тушганида шаҳзода кириб келибди, оғзи қулоғида эмиш.

Энага:

– Нима гап, ўғлим? – деб сўраса:

– Совчи жўнатаверинг, кўнглимдаги қизни топдим, – дебди шаҳзода.

Қариндош аёл ажабланибди:

– Не-не гулрухсорларни ёқтирмаган экансиз, кўшни қизимиз қорачадан келган, озгинроқ, – деса, шаҳзода:

– Шунақами? Мен сезмабман, – деган экан.

Ҳа, шунақа. Сийратдаги тўқислик сувратга ҳам нур беради...

Оғзи ботир қайнона гапларимни эшитиб ўйлаб қолди... Мен темирни қизигида босиб:

– Яратган эгам ҳар бандога ўз нуридан бир чимдим, бир чимдим берган. Унинг яратмишига у-бу деб гап топсак, ўзининг қаҳри келмасин, ўйлаб гапириб, ўйлаб иш қилиш лозим, – дедим.

Энди кечагисини эшитинг. Бунисида келиндан ўт чиққан: куёв бола ҳар куни уйига ярим тунда келар эмиш.

– Эримнинг кўнгли бузилган, бошқасини топиб олган, кетаман, болаларимга касофати уради, – дейди.

– Эрингиз ишдан келганида ўзингиз нима қилаётган бўласиз? – десам:

– Ухлайман, албатта. Кейинги пайтларда овқат ҳам қолдирмайдиган бўлдим. Қаерда юрган бўлса, ўша жойдан тўйиб келсин, деяпман...

Ана, холос! Суриштирсам, куёв юк машинаси минаркан, оилам, бола-чақам деб узоқ йўлга кетган кунлари тонготар уйга кириб келар экан.

– Ҳориб-чарчаб эшик қоқсам, қовоғидан қор ёғилиб остонага чиқади. “Неча марта калитни олиб кетинг, деяпман. Кейинги гал тонг отгунча ташқарида турасиз”, деб ўдағайлайди. Уйга киришга юрагим безиллаб қолган. Неча марта машинанинг кабинасида ётиб қолдим. Қуёш кўтариламай бир пиёла иссиқ чой ичай, деб кирсам яна ўша тунда башара, найзали сўзлар... Мен эр-хотиннинг ҳар икковини алоҳида-алоҳида ёнбошимга ўтқазиб, сўз сандигимни очдим:

– “Кўз очиб кўрганинг”, деган гапда ҳикмат бор, болаларим. Вақт – тулпор, кўз очиб-юмгунингча ўтиб кетади. Эрта бир кун сочларинг оқариб, тишларинг тўкилганда, “Эссиз, ёшликнинг ширин дамларини ади-бади айтишиб ўтказиб юборибмиз. Қўл ушлашиб, боғлар, хиёбонларда сайр қилсак, кўнглимиздаги бир-биримизга бўлган муҳаббатни кўпайтирсак бўлмасмиди?” деб пушаймонлар қилмаслик учун бугуннинг ҳар бир дамини ўзларинг учун қадр имкони, муҳаббат имкони, деб билинлар. Кейин алоҳида-алоҳида гапиришдим. Аёлга қаттиқроқ тегдим:

– Эринг-ку ҳали қирққа кирмаган қирчиллама йигит экан. Сен кетсанг, битта сочи пахмоқни етаклаб келади. Қийин, қийин сенга қийин. Болаларингни ёлғиз қўллик билан ўстиришнинг машаққати ҳам бир тараф, ор-номусингни асрашинг яна бир тараф. Ҳушингни йиг, – дедим.

Йигитга эса:

– Аёлга осон тутма. Кун бўйи рўзгор иши билан куймаланиб ҳорийди. Ишдан келганинда бармоқдай келадиган атир совға қилсанг, кўнгли тоғдай кўтарилиб, чехраси очилади. Эракнинг муҳаббати ошқозон орқали ўтса, аёлники кўнгиладан ўтади, – дедим.

Мана, энди “Яраштирув комиссия”сининг таклифи билан маҳалла гузарига келяпман. Бу комиссия мени ашула айтишга таклиф қилмайди, албатта. Ўзимни эзгуликка чоғлашга уринаман. Борар ерим, эшитар, айтар гапларимнинг охири хайрли, хосиятли бўлсин, деб дуо қиламан. Сиз ҳам дуо қилинг, азизлар!

**РОСТОНБУВИ**




УШБУ МАҚОЛА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲУЗУРИДАГИ НОДАВЛАТ  
НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШҚА  
ИНСТИТУТЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМОАТ ФОНДИ КўМАГИДА ТАЙЁРЛАНДИ.  
ЛОЙИҲА НОМИ: “МАЪНАВИЯТ ОЙЛАДАН БОШЛАНАДИ”.

Ясунари КАВАБАТА,  
Япония

# Қизил олхўри

Ҳикоя



Рисом М. АБДУЛЛАЕВ

Манқал ёнида ўтирган қари ота-онаси яккам-дуккам гуллаган қари олхўри дарахтига қараб баҳслашарди.

– Ўн йилдан буён кузатиб келаман, қизил олхўри остки шохларидан гуллайди. Бу дарахтда сенга уйланганимдан бери заррача ўзгариш бўлмади.

– Авваллари унинг қанақа бўлганлигини нима учундир эслолмаяпман, – деди бунга жавобан онаси.

Онасининг жавоби отасига ёқмади.

– Сизга тегибманки, шу қизил олхўрини кузатиш учун бир дақиқа бўш вақтим бўлмаган, – дея қўшиб қўйди онаси.

– Беғам, беташвиш, ҳеч нарсани ўйламай ҳаёт кечиргансан-да, – эътироз билдирди отаси.

Унинг қизил олхўрини шамолдай тез ўтгувчи инсон ҳаётига қиёслаш билан боғлиқ мулоҳазаси чамаси, шу билан хотима топди ва суҳбат ўз-ўзидан бошқа мавзуга ўтди.

Отаси энди иккинчи январь куни Янги йил байрамида “Фугэцудо” қандолат магазинидан ширинликлар сотиб олгани ҳақида гап очди. Онаси эса бўлмаган гап, дея унинг оғзига урди.

– Гапимни эшит: аниқ эсимда, машинани дастлаб “Мэйдзи сэйка” нинг олдида тўхтатдим, ундан кейин йўл-йўлакай “Фугэцудо”га кирдим.

Иккала қандолатхонадан ширинликлар олиб келганман деб айтяпман-у. Сен ҳам яхшилаб эслаб кўргин.

– Тўғри, “Мэйдзи сэйка”га киргансиз, лекин мана шу уйга келганимдан бери лоақал бир марта бўлсин “Фугэцудо”дан ширинлик сотиб олганингизни эслаб олмадим.

– Буниси энди жудаям ошиб тушди!

– Жиллақурса ўз-ўзимга олиб келмагансиз!

– Бу ёғи қанчадан тушди! Мақтаб-мақтаб еганларинг эсингдан чиқиб кетдими?

– Бўлди-е! Ёлғон-яшиқ гапларингиздан кўнглим кетадиган бўлиб қолибди.

Ошхонада овқат тайёрлаётган қизлари отасининг даҳанаки жанглари эшитиб турарди. Ҳаммаси аслида қандай бўлганини у жудаям яхши биларди, бироқ уларнинг баҳсларига аралашини истамади, индамай декчани кавлай туриб мийиғида кулиб кўйди.

– Хайрият, онаси, лоақал “Фугэцудо”дан ширинликлар сотиб олганимни инкор қилмоқчимасан, шекилли.

– Лекин мен уларни кўрмадим-да!

– Бўлиши мумкин. Балки, машинада унутиб қолдиргандирман?

– Бўлиши мумкин эмас. Мабодо, машинада қолганда эди, шофёр, албатта, келтириб берган бўларди. Фирманинг машинаси ахир, шофёр журъат қилолмасди уйга олиб кетишга.

Қизи ташвишга тушди.

Аслида шу воқеаларнинг онасининг ёдида қолмагани ажабланишли эди. Майли, лекин онасининг ўжарлиги туфайли отаси ўзига бўлган ишончини йўқотиб бораётгани ажабланишдан кўра ҳам ташвишлироқ эмасми, дея кўнглидан ўтказди қиз.

Ахир отасининг иккинчи январь куни машинада бориб “Фугэцудо”дан анча-мунча гуруч ундан тайёрланган ширин кулчалар келтирганини у яхши эсларди. Онаси ҳам еб кўрганди ўшанда.

Бир неча дақиқа сукунат ҳукм сурди. Бехос онаси бир нималарни эслаб қолди, шекилли, ҳозиргина бўлиб ўтган кўнглисиз гап-сўзларни ҳам унутгандек, гўё, ораларида ҳеч нима бўлмагандек деди:

– Бўлди-бўлди, эсладим, эсладим, гуручдан пиширилган ширин кулчаларни айтяпсиз-да, а? Ростдан ҳам олиб келгандингиз.

– Ана кўрдинг, ахйри эсинга тушди.

– Ўшанда угуисумати билан дороякидан шунақаям кўп олиб келгансизки, энди буларни қаерга сиғдираман деб бошим қотганди.

– Ана энди бу бошқа гап. Уйга олиб келганим аниқ эсимда эди-да.

– Ўша арзон-гаров ширинликлар, наҳотки, “Фугэцудо”ники бўлса?

– Ҳа.

– Бир қанчасини қоғозга ўраб кимгадир бергандик. Кимга берувдим-а?!

– Тўппа-тўғри, берувдинг. – Отасининг елкасидан тоғ қулагандек енгил тортиди. Овози ҳам жаранглаб чиқа бошлади: – Янглишмасам, Фусаэга эҳсон қилувдинг, шекилли.

– Балки, Фусаэга бергандирман. Ўшанда болалар кўриб қолмасин, деб қоғозга ўраб берган эдим.

– Мен ҳам шуни айтяпман-да, албатта Фусаэга бергандинг.

– Ҳа, ҳа, шундай бўлган...

Даҳанаки тортишув тугади. Икковлари беҳуда гап талашиб келишув билан тугаганлигидан мамнун бўлишганга ўхшар эди.

Бироқ аслини олганда, бунақа бўлмаганди. Ширинликни собиқ оқсочлари Фусаэга эмас, кўшнининг боласига беришган эди.

Қиз онам буни ҳам эслаб қолади, деб кутди. Аммо ота-онаси чой ичиб ўтирган хонада жимжитлик ҳукм сурар, бу жимликни тунука чойнакнинг жингилаши бузарди, холос.

У таомни олиб кирди ва патнисга қўйди.

– Ёсико, бизнинг гапларимизни эшитдингми ҳозир? – деб сўради отаси.

– Ҳа.

– Мен қариб эси кирди-чиқди бўлиб қолган онангнинг алжирашларидан чарчадим. Бунинг устига ўжарлигини айтмайсанми, ўзиникини маъқуллайверади! Ёсико, унга ёрдам берсанг бўлармиди, дейман. Бирон нимани унутиб қўйганини кўрсанг эслатиб юбор, дарров.

– Мени қўявер, ундан кўра отангга кўз-қулоқ бўлиб турганинг маъқул. У ҳам ўзига етгунча. Бўйнимга оламан, қандолатлар тўғрисида янглишдим, бироқ... – Онаси ўз норозилигини давом эттиришни лозим топмади.

Ёсико Фусаэ хусусида икковлари ҳам янглишаётганларини айтмоқчи бўлди, лекин индамади.

Бу суҳбат отасининг ўлиmidан икки йил аввал бўлиб ўтганди. Унга қадар бироз тоби қочиб фирмага бормаи қўйган эди.

Ҳар йили баҳорда қизил олхўрининг дастлаб остки шохлари гуллайди. Авжи гуллаган маҳал кўпинча ота-онасининг “Фугэцудо” қандолатхонаси ҳақида тортишиб ўтиргани Ёсиконинг хаёлидан ўтади. Бироқ лоақал бир марта бўлсин хотирига келганларини эслатмади. Чунки Ёсико ўша болаларча беғубор тортишувларни эслаб онасининг кўнглида оловли соғинч, ёлғизлик армони уйғонмаслигини истарди.

Рус тилидан Олим ОТАХОН  
таржимаси.

## Ойна тозалагичлар

Ажойиб ихтиролардан яна бири автомобиль ойнасини тозаловчи мослама бўлиб, у алабамалик Мэри Андерсон томонидан кашф қилинган. XIX асрнинг бошларида ҳайдовчилар ҳар дақиқада олд ойнани тозалаш учун тўхтаётганини кузатган Мэри ойна тозалагичларни ўйлаб топади. Бу мослама ҳайдовчилар учун қулайлик яратиш билан бирга кўплаб автоҳалокатларнинг ҳам олдини олди.



## Қор қураш машинаси

Кўчаларни қордан тозалаш жараёнини соддалаштириш учун айовалик оддий котиба Синтия Вестовер 1892 йилда биринчи қор қураш машинаси лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу эса одамларни соатлаб белкурақда қор қурашдек қийин юмушдан озод этди.



## Болалар тагликлари

Бугунги кунда оналаримиз учун беминнат ёрдамчи бўлган болалар таглиги бундан 101 йил муқаддам, яъни 1917 йилда оддий уй бекаси Марион Донован томонидан яратилган. Америкалик ихтирочи аёл Индиана штатининг Форт-Уэйн шаҳрида таваллуд топган. Тирикчилик ташвишлари боис фарзандига етарлича вақт ажрата олмаётган Марион илк тагликларни клиентка ва мато уйғунлигида тиккан. Бу ихтиро учун дунёдаги барча аёллар Мариондан миннатдор бўлса арзийди.



## Автомобиль шовқинини пасайтирувчи мослама



Авваллари автомобиль ҳаракатланаётганда унинг шовқини ўта юқори бўлган. Бу ҳолат аҳоли осойишталигига путур етказа бошлагач, 1917 йилда Эл Долорес Джонс ўз ихтироси – автомобиль шовқинини пасайтирувчи мослама билан бу муаммони биров бўлса-да, бартараф этишга муваффақ бўлган.


## Қуёш батареялари

Улкан билим ва салоҳиятга эга икки аёл доктор Мария Телькеш ҳамда унинг касбдоши Элеанор Реймонд кўпгина мамлакатлар иқтисодиётига улкан фойда келтираётган “Қуёш батареяси”га асос солишди. Шу билан бир қаторда будапештлик Телькеш “Ақлли уйлар” кашфиётчиси ҳам ҳисобланади. Бу ихтиролари унга кўплаб мукофотлар ҳамда шон-шухрат олиб келди.







# Кийган борки, ярашар...



Келинчақлар, ёш қизларимиз гардеробларидаги либосларини кўчаллик, уйлик қилиб ажратиб, хиллаб қўяди. Лекин тобора бугунги тараққиётга мос равишда ўсиб бораётган дидимиз уйлик эгни-бошларимизнинг ҳам ярашиқли бўлишини тақозо этади. Эътиборингизга "Ифатли келин" ўқув марказининг дизайнери Зарифа Саидалиева велюр матосига мослаб яратган кузги халат андозасини ҳавола қилар эканмиз, замонавий, миллий кўриниши сизнинг талабларингизга мос келади, деб ишонамиз.





# Орзунинг орзулари

Қадим замонларда она заминимизда бир одил, ҳақпарвар подшоҳ ўтган экан. У кўп йиллар давомида юртни обод, халқнинг ҳаётини фаровон айлабди. Лекин бахтга қарши ҳукмдорга Аллоҳ фарзанд ато қилмаган экан. Умри охирлаб, ҳаёт шами сўна бошлаганида юрт эгаси шундай васият қилибди:

“Мен ҳаётдан кўз юмган онимда, айнан шу кунда туғилган 40 нафар чақалоқ саройга келтирилсин. Улар баравар йиғлай бошлаганларида энг истеъдодли ҳофизу созандаларимиз энг машҳур халқ куйларидан бирини ижро этишсин. Мусиқамиз оҳангига биринчи юпанган, яъни йиғисини тўхтатган бола менинг ўрнимга подшо бўлади!”

Буни қарангки, ота-боболаримиз мусиқани англаш, идрок этиш қобилиятига эга бўлган гўдакка давлатни бошқаришни ҳам ишониб топшириш мумкинлигини тарғиб этиб келишган экан.

Дарҳақиқат, мусиқа инсон қалбида юксак ахлоқ намуналарини шакллантирувчи, унда дид ва гўзаллик туйғуларини камолга етказувчи, ҳаттоки сиҳат-саломатлигимизга ҳам ижобий таъсир кўрсатувчи воситадир. Мусиқани тинглаш жуда осон, аммо мусиқа илмини ўрганиш машаққатларини ҳамма ҳам зиммасига олавермайди. Бунинг учун аввало мусиқани ҳис қилиш қобилияти, қолаверса, меҳнатсеварлик фазилати керак. Истиқлол имконлари туфайли ўзи ҳам, истеъдоди ҳам тез камолга етаётган қизлар каби Москва мусиқа академияси талабаси Орзу Нуруллаевада ҳам ана шу фазилатлар мужассамлиги боис у ниҳоятда мураккаб, қийин соҳада тез фурсатда катта муваффақиятларни қўлга киритди.

Онаси Донохон опанинг айтишича, Орзу ҳали тили тўлиқ чиқмасданоқ мусиқа алифбосини ёдлаб олган экан.

– Эндигина талаффуз қилаётган сўзларини ҳам куйга солиб айтишидан ажабланардим. Телевизорда кичкинагина болаларнинг пианино, скрипка чалганларини кўриб жуда ҳавас қилардим. Лекин кун келиб қизим бастакор бўлади деб сира ўйламаганман, – дейди қизининг исмини ҳар айтганда юзлари қувончдан ёришган она.

Орзунинг мусиқага бўлган қизиқиши уни В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган

мусиқа академик лицейига етаклади. Фортепиано йўналишига қабул қилинган бўлажак бастакор ил таълимни Корькина Наталья Васиљевна, Сотникова Татьяна Николаевна, Гельбух Исфир Самуиловна ва Галина Александровна Золотых каби устозлардан олди. Энг юксак ва энг нозик кечинмаларни ифодалайдиган мусиқа билан танишиш учун киши ўзини аста-секин тайёрлаб бориши зарур: бастакор ва унинг даври ҳақида маълумотга эга бўлиши, қайси бадий асарга мусиқа яратилган бўлса, ўша асарни мутолаа қилиши, бир сўз билан айтганда, у ўша асар руҳияти билан яшаши керак. Олган билимлари ва энг тоза туйғулари ҳамоҳанглигида яралган ил мусиқий асарини Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси, В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи олий тоифали педагоги, устози Игорь Пинхасовга кўрсатганида, у: “Қобилиятли экансан. Сендан яхши бастакор чиқади. Йўналишингни ўзгартир”, деб маслаҳат беради. Ун тўрт ёшли қизлоқнинг яратган мусиқий асарлари устозларида ҳайрат уйғота бошлади. Устозининг маслаҳати билан бастакорлик йўналишида ўқишини давом эттирган Орзу Нуруллаеванинг орзулари аста-секин рўёбга чиқа бошлади. У 10 дан ортиқ классик куйлар муаллифига айланди. Айниқса, “Кўшчинор” дан илҳомланиб яратган куйи билан кишиларни ўзига оҳанрабодек тортаётган ёш бастакор сўнгги пайтларда ўз аудиториясига, мухлисларига эга бўлиб бормоқда. Меҳнатларининг самараси ўлароқ, у 2015 йилда Хитойда бўлиб ўтган ёшлар фестивалида фаол қатнашди, 2017 йили Гнесинлар номидаги Россия мусиқа академиясида ўтказилган халқаро танловда янги куйлари билан иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллаб қайтди.

Халқаро танловлар совриндори кундан-кунга сайқал топаётган ижоди, бетиним изланувчанлиги, бугун уни янги парвозларга йўллаётган Ирина Анатольевна Кайнова каби устозларининг ишончи, ота-онасининг дуолари сабаб Россия мусиқа академиясига давлат гранти асосида талабаликка қабул қилинди. Ёш бўлишига қарамасдан таржимаи ҳолини дилтортар куйлари билан зийнатлаётган бастакор келажақда энг яхши асарларимизга ёзилган миллий руҳдаги куйлари билан дунёларга чиқишни, катта саҳналарда бор маҳоратини намоён қилишни истайди. Узун сочлари Орзунинг қалбидаги беғубор туйғулари инъикосидир. Унинг порлаб турган кўзларига қараб кўнглимдан бир ўй кечди: “Агар инсон қайси манзилга кетаётганини билмаса, ҳатто унинг елканини ҳаракатга келтираётган шамол ҳам айланиб ўтади. Орзу каби мақсадимиз аниқ бўлса, албатта, маррага етишимиз тайин”.

Лобар ҚАНДАҲОРОВА



– Дунё, ундаги  
барча гўзалликлар  
мусиқа оҳанглирида  
яна ҳам чиройлироқ,  
латофатлироқ бўлиб  
қайта яралаётганга  
ўхшайди, – дейди  
ёш бастакор

Орзу Нуруллаева  
яратган миллий  
куйларни тинг-  
лаганда устози  
**Игорь ПИНХАСОВ.**

Кўнмишга ташриф

RESPUBLIKA  
YOSH  
KINOIJODKORLARINING  
QISQA  
METRA  
FILMLAR  
FESTIVALI

PRO

D  
U  
A  
O  
P  
O  
M  
I  
T  
A  
M  
B  
E  
P  
D  
U  
E  
B  
A

